

Кўплар Усмон Юсуповнинг миллати ва ижтимоий келиб чикиши билан кизикишади. Унинг онаси Ойнисо опа — ўзбек, тошлоклик хунарманд-тўкувчининг кизи бўлган. Отаси Юсуф ака эса — тожик, Каптархонадаги вакф ерда батраклик килган. Усмон Юсупов 1900 йилда тугилган. Ота-онаси фарзандимиз халифа Усмондай аклли, доно бўлсин, оиламизга бахт ва фаровонлик келтирсин, деган яхши ният билан унга Усмонжон деб исм кўйишди.
Юсуф ака 1916 йилда оиласи билан Ковунчига (хозирги Янгийўл шахри) кўчиб келади. Усмрн шу ердаги пахта заводида оддий ишчи бўлиб ишлай бошлайди.

1923 йилда Усмон Анастасия Большаковага уйланди. Икки йилдан кейин оила ўгил кўриб, исмини Аскар (Леонид) кўйди. Лекин Усмон билан Анастасиянинг турмушлари бўлмади. Аскар якинда Москвада вафот этди. У тарих фанлари доктори, СССР Фанлар академияси тарих институтининг профессори эди.
1929 йилда Усмон украин кизи, комсомол фаоли Юлия Степаненкога уйланиб, умрининг охиригача у билан бирга яшади. Эр-хотин беш фарзанд кўришди. Хозир халк хўжалигининг турли сохаларида мехнат килаётган бу фарзандларининг томирида ўзбек, тожик ва украин халкларининг кони бор.
Усмон Юсупов хаёти мобайнида амалга оширган энг сўнгги тадбир агросанрат комбинатининг директори сифатида Ўзбекистонда ўтган белорус адабиёти ва санъати ўн кунлигида катнашган Белоруссия делегациясини 1966 йил 24 апрелда кабул килгани бўлди. Маълум бўлишича, делёгация аъзоларидан тўрт киши уруш йиллари Тошкентга эвакуация килинган бўлиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг ўша пайтдаги биринчи котибини яхши билишар экан. Мехмонлар -Халкободдаги богда кун бўйи бўлишиб, ўйнаб-кулиб, дам олиб кетишди.
Икки кундан кейин юкоридан бир дўкай кўнгирок килиб, Усмон Юсупов шаънига хакоратомуз сўзлар айтди. У каттик изтиробга тушиб, кечаси билан ухлай олмади. 26 апрель куни кечкурун инсульт бошланиб, ўнг кўли ва оёги шол бўлиб, тилдан колди. Тўшакда ўн кун кимирлай олмай ётди. Шифокорлар, хотини ва фарзандлари бутун чораларни кўришганига, беморнинг ўзи хам харакат килганига карамай, кўл-оёгини кисман бўлса-да кимирлата олиш, сўзлаш кобилиятини бироз бўлса-да тиклаш имконияти бўлмади.
Тошкентдаги зилзила муносабати билан 27 апрелда Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин Ўзбекистон пойтахтига келишди. Ўшанда улар Мирзачўлдаги янги давлат

хўжаликларида хам бўлишиб, Усмон Юсуповнинг ховлиси ёнидан ўтиб кетишган эди. Лекин ўзлари яхши билган, ёнма-ён ишлашган, партия Марказий Кўмитаси аъзоси, СССР Олий Кенгаши депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби бўлган Усмон Юсуповнинг олдига бирров кириб, холидан хабар олишни, кўнглини кўтаришни, кандай ёрдам керак, деб сўрашни лозим топишмади.
6 майда — Усмон ака кўз имоси ва соглом кўли билан бутун оила аъзоларининг тўпланишини илтимос килди. Уларнинг хаммаси каравот атрофига келиб ўтиришганда, бутун кучи, иродасини ишга солиб, гапиришга харакат килди, лекин бир огиз хам сўз айтолмади. Шундан кейин у чап кўлини кўтарди-да, бармокларини жамлаб мушт килиб, хаммага кўрсатди — бу унинг, бир бўлиб, хамжихатлик билан яшанглар, дегани эди... Кейин панжасини ёйиб, юзига аста фотиха тортди — бу унинг, мен тамом бўлдим, хаётдан кетаяпман, дегани эди.. У юзидан кафтини олганида болалари хўнграб йиглаб юборишди...
Бир кундан кейин, 1966 йил 7 май соат 11.30 да Усмон Юсупов хаёт билан видолашди. Куннинг иккинчи ярмида Янгийўлга Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси бюросининг Ш. Р. Рашидов бошлик аъзолари келишиб, мархумнинг оила аъзоларига таъзия билдиришди. Юлия Леонидовна, Усмон Юсупович ётиб колишидан бир неча кун аввал соглиги ёмонлашаётганлигини олдиндан сезиб, Ўзбекистон рахбарларига охирги илтимосимни етказгин: мени Кафанов майдонига, узок вакт бирга ишлашган дўстларим — Йўлдош Охунбобоев, Собир Рахимов, Сергей Емцов, Хамид Олймжон, Абрам Бродскийнинг ёнига дафн этишсин, деб илтимос килганлигини айтди. Бирок рахбарлар ўзаро маслахатлашиб, бу мумкин эмаслигини, уни таникли кишилар ётган Чигатой кабристонига дафн этиш максадга мувофиклигини маълум килишди.
8 Май куни эрталаб дафн комиссиясининг аъзолари келишди. Юлия Леонидовна кўзида ёш билан яна уларга мурожаат этиб, эрининг сўнгги илтимоси хакида гапирди. Яна рад жавобини олди. Шундан кейин у бошка хонага кириб, болаларини йигди ва оталарининг сўнгги васиятини жумхурият рахбарларига етказганлигини, лекин улар бу ишга рози бўлмаганликлариниайтди. «Улар отангизни Кафанов майдонига дафн этилишига эътироз билдиришаяпти, Чигатой кабристонини таклиф килишаяпти,— деди она.— Унинг сўнгги илтимосини бажаролмаганимдан виждоним кийналаяпти. Нима килсам экан?» Ўгил ва кизлар йиглаб, оналарини рози бўлишга кўндиришди.
Тобутни Тошкентга олиб.келиб, хайрлашиш учун «Бахор» концерт залига кўйишди. Чигатой (хозир Фаробий) кабристонига, Хамрокул Турсункулов билан ёнма-ён дафн килишди...
Усмон аканинг 66 йиллик хаёти кандай ўтди? У нималарни килишга улгурдию, нималарга улгурмади, кандай ютукларга эришдию, кандай- хатолйкларга йўл кўйди? Тарихга кандай инсон бўлиб кирди? Бу хакда кўп кишилар ёзган ва гапирган.
Мен хам Усмон Юсуповни жуда яхши билардим. Менга партия ишига йўлланма берган шу киши бўлади. Биз у билан узок вакт бирга ишлашдик ва сўнгги кунгача дўстона муносабатда бўлиб келдик. Шу боисдан унинг хаёти ва фаолияти хакида бир-икки огиз сўз айтишни ўзим учун хам карз, хам фарз бўлган инсоний бурчим, деб биламан.
Усмон Юсупович билан мен биринчи марта 1939 йилда Ўзбекистон комсомолининг Тошкентда бўлиб ўтган съездида сўзлашганман. У мажлислар орасидаги танаффусда вилоятларнинг вакиллари билан сухбатлашди.
Ўша пайтда мен Москвадаги савдо институтини битириб хелиб, Бухоро вилоят матлубот уюшмасининг кадрлар бўлими бошлигйнинг ўринбосари хамда ўкув комбинати мудири

бўлиб ишлардим. Бундаи ташкари,вилоят партия кўмитасининг штатсиз лектори эдим. Бухоро вилоят комсомол конференциясида жумхурият комсомоли съездига делегат этиб сайлангандим.
Усмон Юсупович Бухородан келган делегатлар билан учрашувда жойлардаги ишнинг ахволи билан кизикди, олдинда турган долзарб вазифалар хакида гапириб, маслахатлар берди.
Ташкилий масалалар кўрилаётганда, у делегацияларнинг рахбарларини номзодларни мухокама килиш учун чакирди. Съездда бир нотик Узбекистон ЛКСМ Марказий Кўмитаси биринчи котиби Фотима Йўлдошбоевани танкид килиб, уни ижтимоий келиб чикишини яширган, отаси катта бой бўлган, деб айблади.
Делегациялар рахбарлари билан учрашувда у кўзига ёш олиб, отам оддий дехкон бўлган, мен уч ёшлигимда вафот этиб кетган, деб ишонтиришга харакат килди. Биз, бир неча киши уни кўллаб-кувватлаб, номзоди кўйилишини таклиф этдик. Усмон ака бу таклифга мойиллик билдирди. Лекин карши кишилар ўз сўзларида каттик туриб, Йўлдошбоеванинг номзодини кўрсатмасликни талаб килишди. Ўша пайтдаги вазиятни хисобга олиб, кўпчилик бу таклифга рози бўлди. Текширувда эса Фотима Йўлдошбоева тўгри гапирганлиги маълум бўлди. Шундан кейин бу аёл Кўкон шахар партия кўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг таргибот бўйича котиби лавозимларида ишлади.
Фотима Хамидуллаевна Йўлдошбоева Гафур Гулом, Максуд Шайхзода, Хамид Олимжон ва бошкалар катори ўзбек халкининг Улуг Ватан уруши фроктларидаги ўзбекистонлик жангчиларга ёзган ва икки миллиондан ортик киши имзо чеккан, урушнинг энг огир кунларида оддий аскар ва офицерларнинг рухи ва жанговарлигини оширишда мухим ахамиятга эга бўлган машхур мактубнинг муаллифларидан саналади. Бундан ташкари, Ф. Йўлдошбоева 1943 йилда жангчиларга, совга-салом элтган Ўзбекистон делегацияси таркибида фронтга борган. Урушдан кейинги йилларда эса илмий-педагогик фаолият билан шугулланиб, Совет-Афгон муносабатлари тарихи мавзуида номзодлик диссертацияси ёклади. Тошкёнт чет тиллар институтининг ректори, Тошкент Давлат дорилфунуни" шарк факультети энг янги тарих кафедраси доценти бўлиб ишлаб, 1983 йилда 72 ёшида вафот этди.
Ўзбекистон комсомоли съезди тугагач, биз иш жойларимизга жўнаб кетдик. Орадан кўп вакт ўтмай, ўша йилнинг ноябрь ойида Бухоро вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби Халил Турдиев комсомол фаоллари бўлган бизлардан ўн беш нафаримизни хузурига таклиф килди. У халкаро ахврл мураккаблиги, чегараларимизда вазият кескинлашаётганлиги, харбий кисмлардаги рммавий-сиёсий ишларга кўнгилли равишда комсомол фаолларидан бир нечтасини юбориш максадга мувофиклиги хакида гапирди. Биз, бир неча ййгит ўша ернинг ўзида харбий хизматга бориш хакида ариза ёздик. Харбий хизматга Бухородан 1939 йилнинг охирида жўнаб кетиб, 1946 йил бошида кайтиб келдим. Улуг Ватан урушининг биринчи кунидан охиригача фронтда бўлдим.
Менинг харбий хизматдан бўшаб, Ўзбекистонга кайтишим хам Усмон Юсуповичнинг ташаббуси билан боглик.
Гап шундаки, уруш тугагач, 1945 йилнинг ёзида у бир нечта офицерни партия ва совет ташкилотларидаги ишларда фойдаланиш учун харбий хизматдан бўшатишни илтимос килиб, И. В. Сталинга мурожаат этди (уларнинг рўйхати хам тавсия этилди). Илтимос кондирилди. Бу офицерлар харбий хизматдан кайтишлари билан дархол турли лавозимларга тайинландилар.

Мен ўша йилнинг ноябрь ойида Тошкентга бир х,афталик таътилга келдим. Бу пайтда мен чет элда эдим, алохида максадлардаги оператив харбий группага рахбар-лик килардим.
Ўша пайтда Ўзбекистон ташки ишлар вазири бўлиб ишлаган ёшликдаги дўстим Ёкуб Алиев мени Усмон Юсуповницг олдига олиб кирди. У бафуржа сухбатлашгач, менга Ўзбекистонга кайтишни таклиф килди, бу хакда камина хизмат килаётган фронт кўмондонига хат ёзадиган бўлди. Шундай килиб, мен 1946 йилнинг бошида Тошкентга кайтдим.
Иккинчи куни мени Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг таргибот бўйича котиби М. Г. Вахобов кабул килди. У. ё. Алиев ва мен учовлашиб Усмон Юсуповнинг хонасида бўлдик. У таърифнома, буйрук ва бошка хужжатларим билан танишгач, Мавлон Гаффоровичга мени Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси лектори ва Олий партия мактаби ўкитувчиси этиб расмийлаштиришни таклиф килди.
Янги ишимда ок йўл тилаётиб, шундай деди: «Сен армияда ва ўкишда тўплаган билим ва тажрибаларингдан келиб чикиб, партиявий-таргибот ишларига ихтисослашмогинг керак». Кейик кўлимни кисиб, янги ишимда муваффакият тилади.
Шундай килиб, Усмон Юсуповлч хонасига офицер сифатида кириб, партия ходими бўлиб чикдим.
Рахбарнинг фаолиятида, кўпгина жихатларидан ташкари, мухим бир омил — психологик томони бор. Уни обрўси кўп жихатдан биринчи дарси билан белгилана-диган муаллимнинг илк кадамига таккослаш мумкин. Болалар жуда таъсирчан, сезгир бўлишади. Ўкитувчиии синфда биринчи бор кўришганда, уни тинглаб, кузатиб, у хакда ўз фикрларига эга бўладиларки, бу узок вакт ўкувчи билан ўкитувчи ўртасидаги муносабатни белгилаб беради.
Бу ўринда бевосита ўхшашлик бўлмаса-да, лекин партия рахбари билан хам худди шундай холат юз беради, дейиш мумкин. Рахбарнинг обрўси, таъсири, мехнаткашларнинг у хакдаги фикри, кўп жихатдан у ишга кандай киришишига богликдир.
Усмон Юсупов Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи ко-тиби бўлгач, аввало ўлка хаётининг энг мухим муаммоси — сув хўжалиги билан шугулланди. У дехконларнинг ташаббусини маъкуллаб, кўллаб-кувватлади, партия ташкилотини, халк оммасини катта сув учун курашга кўтарди.
Бир йилдан кейин жамоа ва давлат хўжаликларида, туманларда ва вилоятларда махаллий сугориш тармоклари куриш бўйича хашар кенгайиб кетди. 1939 йилда 270 километр узунликдаги Катта Фаргона каналикинг тарихда мисли кўрилмаган муддатда — 45 кун давомида хашар йўли билан куриб битказилиши халк оммасини, ижодий зиёлиларни илхомлантирди, улардаги мехнат ташаббускорлигини жўштирди, жумхурият, партия ва шахсан Усмон Юсуповнинг мамлакатдаги, чет эллардаги обрў ва эътиборини оширди.
Ўша йили Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги муносабати билан ва сугоришни, пахтачиликни хамда халк хўжалигининг бошка сохаларини ривожлантиришдаги ютуклари учун Ўзбекистон Ленин ордени билан мукофотланди, бир неча минг мехнат илгори хам орден ва медаллар билан такдирланди.
Маълумки, мураккаб, фавкулодда вазиятларда инсоннинг иродаси, ахлокий, маънавий фазилатларигина эмас, балки гоявийлиги, эътикоди, самимияти хам синовдан ўтади.
Урушнинг дастлабки йиллари Россия, Украина ва Белоруссиянинг бир катор вилоятларидан Ўзбекистонга уруш туфайли ота-онасидан айрилган 250 минг бола, 270

та йирик завод, фабрика ва корхона, 700 га якин илмий муассаса, олий ўкув юрти, бадиий жамоалар кўчириб келтирилди. Буларга муносабат махаллий рахбар ходимлар ва ахоли учун синов бўлди.
Киска фурсатда хар бир корхона учун ишлаб чикариш майдони топиб, ускуналарни ўрнатиб, фронт учун махсулот тайёрлашни йўлга кўйиш осо,н бўлмади. Жанг бўлаётган минтакалардан кўчириб келтирилган болаларга, ишчилар, инженер-техник ходимларга, фан, адабиёт, санъат арбобларига ва уларнинг оилаларига бошпана топиш, мехнат ва ижод килиш учун шарт-шароит яратиш янада мураккаброк бўлди.
Бу масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси бюросида мухокама килинганда, барча кишилар жумхуриятга вактинчалик келаётганларни мехмондўстлик билан кутиб олиш лозимлигини таъкидлашди, факат айрим кишиларгина турар жой, озик-овкат етишмаслиги, бошка имкониятлар хам чекланганлиги хакида гапйришди. Шунда Усмон Юсупов хамма байналмилалчилигини намойиш килиши зарурлигини айтиб, бундай бахоналарни рад этди. Эвакуация килинганларни кабул этиш бўйича бир нечта комиссия тузилди. Ўзбекистон ахолиси келаётганларга самимий муносабат билДирди. Уларни ўз тугишганларидай кабул килиб, бошпана, бзик-овкат, кийим-кечак беришди.
Урушнинг огир кунларидан бирида Усмон Юсупов шахар атрофидаги туманлар партия кўмиталари биринчи котибларини хузурига таклиф килди. Хаммасини автобусга ўтказиб, заводларга олиб борди. Корхоналарда бўлишганда У. Юсупов биринчи навбатда ошхонага кириб, ишчилар учун тайёрланган овкатдан татиб кўрди, туман партия кўмиталари биринчи котиблариДан хам шундай килишни талаб этди. Хамма умумий овкатяаниш ёмон йўлга кўйилганига, кўчиб келган ишчиларга дуруст гамхўрлик кўрсатилмаётганлигига ишонч хосил килди.
Маиший муассасалар, турар жой ва бошка шароитларни хам кўздан кечиришди. Хар бир туман маълум бир корхонага бириктирилди. Хар бир ишчи жамоасига иложи борича гамхўрлик кўрсатиш лозимлиги, уларнинг яшаши ва мехнат килишлари учун биринчи котиб шахсан жавобгарлиги алохида таъкидлаб ўтилди.
Уруш йиллари Тошкент самолётсозлик ишлаб чикариш бирлашмасида директорлик килган, урушдан кейин эса Москвада ишлаб, 1989 йилда 85 ёшида вафот этган Афанасий Михайлович Ярунин менга бошка бир вокеани хикоя килиб берганди.
— Корхонамиз 1941 йилнинг кузида Тошкентга кўчирб келтирилгач, бир неча кундан кейин Юсуповнинг кабулига бордим,— деган эди у.— У менга пешвоз чикиб, олий химмат мезбондай кўш кўллаб сўрашди. Мен завод цехлари каерларга ва кандай жойлаштирилганлигини, корхонада канча одам борлигини, кандай ёрдам зарурлигини гапирдим. Усмон Юсупович, турар жойдан хам, озик-овкатдан хам, одамлардан хам ёрдам берамиз,— деди.
Мен:
— Рахмат, Усмон Юсупович, тўгриси, бундай кабул килишингизни кутмагандим. Ўзингизга маълум, бу ёкда уруш кетаяпти, хар кимнинг ташвиши ўзига етарли,— дедим.
Юсупов жилмайди. Сухбат охирида елкамдан кучиб, кутилмаганда деди:
— Эртага бизда курултой очилади. Сизни таклиф киламан, Афанасий Михайлович! Мен унга бироз хайрон бўлиб карадим. Котиб хазиллашаяпти шекилли,— деб
ўйладим ичимда,— заводда ишлар бошдан ошиб-тошиб ётган бўлсаю, мен мажлисда ўтирсам.
Юсупов эса фикримни уккандай:
— Албатта, келинг,— деди жилмайиб,— афсусланмайсиз.

Эртаси куни курултойга бордим, очиги, бу ишни соф дипломатик мулохаза билан килдим — махаллий рахбарлар билан ўзаро муносабйтда кибр-хавога берилмаслик керак, деб ўйладим.
Курултой президиумида одоб саклаб ўтирдим. Юсупов мени вилоят, туман микё-сидаги рахбарлар, илгор жамоа хўжаликларининг раислари, давлат хўжаликларининг директорлари билан таништирди. Хуллас, ўшанда бутун хаёлим заводда, ишлаб чикариш жўш ураётган, станоклар очик майдонларда ишлаётган жойда бўлишига карамай, икки кун кимирламай мажлисда ўтиришимга тўгри келди. Ишчилар эса у ерда ёмгир куйиб турган шароитда биринчи харбий тайёрани йигишди.
Юсупов мени курултойга таклиф этиб накадар доно иш килганлигини эса кейинрок тушундим. 1942 йилнинг киши Тошкентда дахшатли бўлди. Мамлакатнинг гарбий туманларидан юзлаб корхоналар, минг-минглаб болалар, ярадорлар кўчириб келтирилди. Марказдан галла келиши эса тўхтади. Колаверса, жуда киска пайтда бунча микдордаги одамлар окимини бокишга етадиган озик-овкатни гамлаш учун олдиндан хисоб-китоб килишнинг хеч бир иложи йўк эди. Бу масалада самолётсозлик заводи хам боши берк кўчага кириб колди. Охири ишчиларимизни бокиш учун хеч вако колмади. Рухим чўккан холда Марказий Кўмитага бордим, наинки, шахардаги умумий ахвол менга беш кўлдай маълум эди. Озик-овкат биринчи навбатда болалар ва ярадорларга бериларди, уларга хам етмаётган эди.
Бирок Юсупов мени яхши кабул килди. Гапларимни диккат билан тинглагач, деди:
-— Бугунок Самаркандга боргин. Иброхимовни эслайсанми, мен сени у билан курултойда таништирганман? Ўшанга мурожаат кил, у албатта ёрдам беради. Ўзбек халкининг яхши бир одати бор, кишини таниса, яхшилигини билса, бошига кулфат тушганида хамиша ёрдамини аямайди, сўнгги бурда нонигача беради.
Юсупов хак бўлиб чикди. СамаркандДан уч вагон озик-овкат олиб келдим. Бу бизга пишикчиликка етиб олиш имконини берди.
Жумхуриятдаги барча саноат кррхоналари фронт эхтйежлари учун махсулот ишлаб чикарадиган килиб кайта жихозланди. Бир неча ой мобайнида бутун Ўзбекистон фронтга оддий милтик ўкидан тортиб, тайёрагача, парашютдан тортиб, минагача етказиб берадиган харбий аслахахснага айлантирилди. Бу ерда ишлаб чикарилаётган озик-овкат махсулотлари, шунингдек уст-бош ва пойабзалнинг асосий кисми хам харбий кисмларга юборила бошланди. Йигитларнйнг карийб хаммаси фронтга жўнаб кетишди ёки харбий корхоналарда мехнат кила бошлашди. Жанг майдонларида ўзбекистойлик 600 минг йигит халок бўлди.
Ўзбекистон мехнаткашлари ўз ватанпарварлик бурчларини ана шундай бажариб, герман фашизми ва япон милитаризми устидан козонилган галабага салмокли хисса кўшдилар. Табиийки, барча ишларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси ва жумхурият хукумати ташкил этди ва рахнамолик килди.
Партия ишидаги асосии бўгин — кадрлардир. Уларни танлаш, жой-жойига кўйиш- ва фойдаланиш, талабчанликни гамхўрлик билан кўшиб олиб бориш, мунтазам эътибор бериб, хатти-харакатларини холисонилло бахолаш, лозим бўлган пайтларда кадрларни тухматдан, обрўсизланишдан саклаб, авлодларнинг бири иккинчисининг ўрнини эгаллашини, давомийлиги ва бирлигини таъминлаш энг мухим вазифа саналади.
Биз шу билан фахрланамизки, жумхуриятимизда 30-йиллардаги, 40—50-йиллардаги катагон, урушдаги катта йўкотишларга карамай, юзлаб ва минглаб халол, садокатли, мехнатсевар, обрўли рахбар ходимлар етишиб чикдй. Агар ўша даврдаги вилоят партия

кўмиталари биринчи котибларини эслайдиган бўлсак, биринчи навбатда Малик Абдураззоков, Мурод Жўрабоев, Сергей Константинович Емцов, СобирчКамояов, Турсун Камбаров, Абдураззок Мавлонов, Носир Махмудов, Карим Мукимбоев, Орзи Махмудов, Мансур Мирзаахмедов, Нор Ёкубов, Нуриддин Муродов, Каюм Муртозоев, Сирож Нуриддинов, Пиржон Сеитов, Халил Турдиев, Константин Константйнович Шубладзе ва бошкаларни тилга олиш мумкин. Улар хаммаси барча билим, тажриба ва куч-кувватларини халк иши учун сарфлаб, дунёдан ўтиб кетишди, ўзларидан яхши ном колдиришди.
Биз, партия, уруш ва мехнат фахрийлари, 40—50-йилларнинг кадрлари тез-тез тўпланиб, ўша даврларда кандай мехнат килганлигимизни, яшаганлигимизни эслаймиз. Кейинги йилларда баъзи рахбарларнинг бузилиши, порахўрга, кўшиб ёзувчига айланиши окибатида чўлу курук баравар ёниб, минглаб халол ходимлар ва уларнинг оила аъзолари хибсга олинганлигига, жисмонан ва маънан топталганига чин юракдан ачинамйз ва бундай гайри конуний, халкимиз шаънига дог тушириши мумкин бўлган вокеалар ортик такрорланмаслиги учун жумхуриятда олиб борилаётган тадбирларда холи-кудрат иштирок этаяпмиз.
Кадрларга кандай муносабатда бўлиш ва уларни кандай авайлаш лозимлиги хусусида бир мисол келтираман.
Жамил Акрамов САКУни (Ўрта Осиё Коммунистик дорилфунуни) битиргандан кейин Пахтаобод туман партия кўмитасига иккинчи котиб этиб сайланди. Биринчи котиб Элмуродов1 камалганидан кейин, уни хам турли хил гунохларда айблай бошлашди. У Усмон Юсуповга мурожаат килиб, текширув ўтказишни илтимос килди. Марказий Кўмитанинг туманга келган масъул ташкилотчиси Иброхимов бошлик комиссия масалани хар томонлама ўргангач, Акрамов ишда бир катор камчиликларга йўл кўйганлигини, лекин жиноят, лавозимини суиистеъмол килмаганлигини аниклլди.
Шундан кейин Акрамовни Кизилтепа туман партия кўмитасига биринчи котиб килиб жўиатишди. У ерда Ички ишлар вазирлиги туман бўлими бошлиги Хамидов туман биринчи котибига кўнгирок килиб, бир ишни кўриб чикиш учун хонасига келишни таклиф килади. Акрамов эса Хамидовга, ўзингиз туман партия кўмитасига келинг, деиди, у кўнмайди. Акрамов кадрларни ўрганиб, рахбарлик ишларида фойдаланиш учун резервлар рўйхатини тузади ва Хамидовга юбориб, фикрини сўрайди.
У рўйхатни ўкиб чикиб, чизиб ташлайди. Бир неча кундан кейин уларнинг баъзи бирларини камаш хусусида биринчи котибнинг розилигини сўрайди. Туман партия кўмитасининг эътирозига к.арамай, уларни камокка олади. Бу масала туман партия кумитаси бюросида фаоллар иштирокида мухокама килинганда, Хамидов партия бадалини беш ой тўламаганлиги маълум бўлади. Уни ВКП(б) сафидан чикаришади. Ички ишлар вазирлиги вилоят бўлими Бухоро вилоят партия кўмитасига хат ёзиб, Акрамов-ни Кизилтепада ва илгари Пахтаободда жиддий хатоликларга йўл кўйганликда айблайди. Масала дастлаб караб чикилганда уни ишдан олишга карор килишади. Акрамов яна Усмон Юсуповга мурожаат килади. Шундан кейин эртаси куни Тошкентдан етиб келган Иброхимов хат ва карор лойихаси билан танишгач, унга Пахтаобод бўйича кўйилган айблар асоссиз эканлигини тасдиклайди. Натижада Акрамов ўз лавозимида колади. Шундан кейин у бир нечта туманда партия ташкилотларига бошчилик килади. Тошкент кишлок туманида биринчи котиб бўлиб ишлаётганида эхтиётсизлик килади — кекса большевик, уруш катнашчиси бўлган отасига уй куриб беради. Шу айби учун уни ишдан олишиб, Оккўргондаги давлат хўжалигига директор килиб жўнатишади. Бу ерда яхши

ишлаб, хўжалик иктисодиётини кўтаради. Шундан кейин уни Сурхондарё вилоятининг Денов туманига жўнатиб, туман партия кўмитасининг биринчи котиби этиб сайлашади. Бу ерда уч йилда пахта хосилдорлигини гектаридан 25 центнердан 33 центнерга кўтаради. Туман барча ишлаб чикариш кўрсаткичларини ортиги билан бажаради. Шу муносабат билан 1952 йилда Акрамовни Социалистик Мехнат Кахрамони унвонига тавсия этиш учун хужжатлар тайёрлана бошланади.
Шу орада ўша пайтда мамлакат пахтачилик вазири бўлиб ишлаётган, Тожикистонда иш билан юрган Усмон Юсупов Акрамовнинг уйига мехмон бўлиб келади. Акрамов устозини зўр кувонч билан кутиб олади, кўй сўяди. Эски дўстлар йигилиб келишиб, дийдор кўришишади. Ажойиб зиёфатдан, юрак чигилларини ёзиб, дилдан сухбатлашганларидан кейин Усмон ака Душанбе оркалй Москвага учиб кетади.
Дўстининг уйидаги бу учрашув ва сухбат ўрток Юсуповга сиёсий жихатдан кимматга тушади. Акрамовни эса туман партия кўмитаси биринчи котиблигидан озод этишиб, фахрли унвон учун тайёрланаётган хужжатлари бекор килинади.
У Тошкентдаги уйига кайтади. Маълум вакт ишсиз юради. 1956 йилда бўлса керак, Жамил ака менинг олдимга кирди. «Битта истагим бор,— деди у,— мехнат килишни хохлайман, шунга имконият яратиб берсангиз». Уни давлат хўжалигига директор этиб тайинладик. Кўп ўтмай Калинин тумани партия кўмитасининг биринчи котиби этиб сайлашди. 1957 йилда мен Москвага кетдим ва уни 30 йилга якин кўрмадим.
Ж. Акрамов хатоликларга йўл кўйиб, уни тузатди, ножўя хатти-харакатларйни афтига айтишганда, танкидни тўгри кабул килди. Дехконларни ва барча ахолини жалб этиб, Каттакўргон сув омбори ва Тошкент якинидаги бир катор электр станциялар курилишида иштирок этди.
Жамил Акрамов хозир 82 ёшда, пенсионер. Хамон тетик, мехнат фахрийси сифатида жамоат хаётида фаол иштирок этиб, ёшларга ўз тажрибаларини ўргатаяпти.

Ўзбекистондаги уруш пайтидаги ва ундан кейинги йиллардаги ахвол ВКП(б) Марказий Кўмитасининг эътиборини тортди. Шубхасиз, жумхурият мехнаткашлари фронт ва Ватан олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажардилар. Лекин шу нарса хам аникки, урушнинг дастлабки йиллари пахта етиштириш карийб уч баравар камайиб кетди, (1940 йилда 1.416 минг тонна пахта тайёрланган бўлса, 1943 йилда 520 минг тонна тайёрланди). Ушбу масала ВКП(б) Марказий Кўмитасининг Ташкилий бюросида мухокама этилганида раислик килувчи А. Шчербаков Усмон акага шундай деган эди: «Нима килаяпсиз, ўрток Юсупов, шундай кийин пайтда армия ва халкни иштонсиз кўймокчимисиз?» Ўша мухокамада У. Юсуповга ва жумхурият Халк КомиСсарлар Кенгаши Раиси Абдурахмоновга каттик хайфсан берилган эди.
Кейин иш секинлик билан тузатиб борилди. Объектив сабаблар эътиборга олинмади. ВКП(б) Марказий Кўмитаси Ўзбекистон бўйича яна иккита кескин карор кабул килиб, рахбарларни огохлантирди ва жазолади.
И. В. Сталин Усмон Юсуповни хурмат киларди, Берия билан у хизмат юзасидан богланган, Микоян билан эса дўст эди. У. Юсупов бундан фойдаланиб, кўпинча масалаларни, хатто партия ташкилотларига дахлдорпарини хам, шу кишилар оркали, яъни хукумат йўли билан хал килаверарди. Марказга унинг устидан шикоятлар туша бошлади.
Бундай шароитда жумхуриятда нималар бўлаётганлигини чукур ўрганиш, вазиятни сбгломлаштиришда ёрдам кўрсатиш учун 1949 йилнинг февралида ВКП(б) Марказий ч

Кўмитаси Сиёсий бюроси Узбекистон бўйича С. Д. Игнатьев бошлик Вакиллар аппаратини таъсис этади. У тахминан 20 кишидан иборат бўлган ўз ходимлари билан ўша йилнинг апрель ойида Тошкентга келиб иш бошлади.
Илгари Турккомиссия, кейин ВКП(б) Марказий Кўмитасининг Ўрта Осиё бюроси бўлган. Улар минтакадаги беш жумхурият худудида иш юритган ва 1934 йилда тугатилган. Бу гал факат Ўзбекистон бўйича ВКП(б) Марказий Кўмитасининг Вакиллар аппаратини таъсис этишди. Бунинг устига, у махаллий ташкилотлар билан маслахатлашилмай ва ташкилий жихатдан улар билан богланмаган холда, бевосита ВКП(б) Марказий Кўмитасига итоат этадиган килиб (худди хозирги тогли Корабогдаги сингари) таъсис этилди. Акли-хуши жойида бўлган хар бир одам бу нима эканлигини ва ундан кандай максадлар кўзда тутилганлигини тушунарди.
Семен Денисович бунга кадар вилоят партия кўмитасини ва Белоруссия Компартияси Марказий Кўмитасини бошкарган эди. Тошкентга келиши билан дархол ишга киришиб кетди ва атрофига фаолларни жипслаштирди. Жумхурият хаётининг карийб барча сохасини ўрганиб, хаммаси хакида ВКП(б) Марказий Кўмитасига хисобот беришди. Шуни айтиш керакки, С. Д. Игнатьев ва унинг ходимлари айрим фойДали ишлар-ни килишди, гарчи баъзида улар билан жумхурият рахбарлари ўртасида аник масалалар бўйича ихтилофлар юзага келиб, ўз вактида бартараф этиб борилган бўлса хам.
Роппа-роса бир йилдан кейин, 1950 йилнинг апрелида Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг пленуми бўлиб, Марказий Кўмита бюросидаги ахвол мухокама килинди. Уч кун мобайнида бюро аъзолари бир-бирини каттик танкид килишди, содда килиб айтганда, дўппбслашди. Хаммадан кўп «калтак» еган Усмон ака бўлди.
Шуниси галатики, пленумда бизлардан — вилоят партия кўмиталари котибларидан биронтамиз сўзламадик, факат жумхурият рахбарларининг ўзлари бир-бирлари билан жиккамуш бўлишди. Пленум У. Юсуповни Марказий Кўмита биринчи котиби лавозимидан, А. Абдурахмоновни эса Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимидан олди.
Номзодлар тавсия этилаётганда эхтирослар яна жунбушга келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси биринчи котиби лавозимига уч ўртокнинг номзоди тилга олинди. Лекин Усмон аканинг хурмати учун унинг таклйфи инобатга олинди ва Амин Эрматович Ниё-зов биринчи котиб этиб сайланди.
Унинг ўрнига — Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиуми Раислигига ўрток Юсупов Шароф Рашидовни тавсия килди. Шу захоти бир нечта киши эътироз билдириб гапиришди. Бу лавозимга вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаётган икки кишининг номзоди тавсия килинди. Усмон Юсупов Шароф Рашидовнинг таржимаи холи ва ишига таъриф бериб, унинг номзодини кўллаб-кувватлашни каттик илтимос килди. Шундан кейин кўпчилик овоз билан Ш. Рашидов сайланди.
Вазирлар Кенгаши Раислигига хам Усмон Юсуповнинг тавсияси билан Абдураззок Мавлоновни тайинлашди. Унинг номзоди устида тортишув бўлмади.
Шундай килиб, жумхуриятнинг учта асосий лавозимига (Марказий Кўмита биринчи котиблигига, Олий Кенгаш Президиуми Раислигига ва хукумат бошлигилигига) Усмон ака тавсия этган, хизмат зинасидан юкорилаб борганликлари учун биринчи навбатда шу одам олдида карздор бўлган кишилар сайланди.
Шу пленумда С. Камолов кишлок хўжалиги бўйича, мен таргибот бўйича Марказий Кўмита котиблари этиб сайландик (бунга кадар Наманган вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлардим). Ярим йилдан кейин эса Тошкент вилоят партия кўмитасининг VI Пленумида (1950 йил 3—4 сентябрда) мени вилоят партия кўмитасининг

биринчи котиби этиб сайлашди. Ўша вактда жумхурият Олий Кенгаши Раиси хам эдим. ВКП(б)нинг Ўзбекистон бўйича вакиллар аппаратини таркатиш хусусида ошкора айтган фикрим Марказкўмдан кетишимга бахрна бўлди.
Вакиллар аппарати 1951 йилнинг якварида тугатилди. С. Д. Игнатьев ВКП(б) Марказий Кўмитаси ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири бўлиб ишлай бршлади. Бир йил ўтгач, уни СССР Давлат хавфсизлиги вазири этиб тайинлашди. Партия XIX съездида С. Д. Игнатьевни КПСС Марказий Кўмитаси котиби этиб сайлашди, айни пайтда у Давлат хавфсизлиги вазири вазифасини хам бажараверди.
Семен Денисович 1953 йилда сал бўлмаса отилиб кетай деди. Берия ўзидан масъулиятни сокит килиш учун, С. Д. Игнатьевни «врачлар иши»ни яратишда айблади. Уни камаш учун рухсат берилишини сўраб Сиёсий бюрбга мурожаат килди.
Бирок синчиклаб текширганда шу нарса .маълум бўлдики, С. Д. Игнатьевнинг бу ишга бевосита дахли йўк экан, ўша кунлари инфаркт бўлиб шифохонада ётган экан.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг апрель (1950 йил) Пленумидан кейин Усмон Юсуповни И. В. Сталин кабул килди. Шу сухбатдан кейин СССР пахтачилик вазирлиги ташкил килиниб, у вазир этиб тайинланди. Москвада яхши бир бинони беришди, пахтачилик ва сугориш бўйича энг тажрибали мутахассислар асосан Ўзбекистондан боришиб, шу вазирликнинг масъул ходимлари бўлишди.
Бу вазирликнинг ташкил этилиши ўз вактида килинган фойдали Иш бўлди. Гап шундаки, уруш йиллари давлат пахта захираси батамом тугаган эди. Уруш эса нефть, галла ва пахта армия ва халк учун сув ва хаводек зарур эканлигини кўрсатди.
Америкада атом бомбаси яратилганлиги, япон шахарлари Хиросима ва Нагасакига ташланган бу дахшатли куролнинг хамма нарсани йўк килувчи кучи, Черчиллнинг Фултондаги нутки, НАТОнинг ташкил этилиши ва кечаги иттифокчиларимизнинг бошка тажовузкорона кадамлари бутун дунё олдига «совук уруш»ни кўндаланг килиб кўйди. Бундай шароитда мамлакат рахбарлари душманларнинг хатти-харакатларини йўкка чикариш, учинчи жахон урушига йўл кўймаслик ва мамлакатнинг харбий-стратегик куч-кудратини мустахкамлаш бўйича ишларни кенг кулоч ёйдириб юбордилар. Пахта учун кураш мана шу катта ишнинг асосий таркибий кисмларидан эди, яъни ахолини кийим-кечак, озик-овкат билан, саноатни эса хом ашё бялан таъминлашга, валюта учун пахта экспорт килишни кўпайтиришга, давлат пахта захирасини тиклашга алохида эътибор берила бошланди.
Вазирлик олдига мана шундай вазифалар кўйилган эди. Усмон Юсупов янги ишга унга хос бўлган гайрат-шижоат, катъият билан киришди. Мамлакатда пахта ишлаб чикариш бир мунча кўпайди. Лекин афсуски, вазирлик фаолиятида айрим муваффакиятсизликлар хам юз берди. Юкори доираларда, нима учун пахта бўйича вазирлик бор-ку, гўшт, галла, сут, лавлаги ва бошкалар бўйича вазирликлар йўк.деб бир-бирига хазил килишарди. Табиийки, бундай гап-сўзлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўк.
Пахтачилик вазирлигининг таклифига биноан СССР Вазирлар Кенгаши 1952 йил 19 февралда РСФСР, Украина ССР ва Молдавия ССРнинг бир катор вилоятларида пахта етиштириш тўгрисида карор кабул килди. Бу карорда кайси вилоятнинг канча майдонга пахта экиши куйидагича белгиланган эди: Ставрополда — 92.500 гектар, Краснодар ўлкасида— 172.500 гектар, Грозний вилоятида — 36.600 гектар, Догистон АССРда — 28.500 гектар, Шимолий Осетия АССРда — 5000 гектар, Кабардин АССР-да — 8000 гектар, Ростов вилоятида — 85.000 гектар, Крим вилоятида — 30.900 гектар, Сталинград вилоятида — 25.000 гектар, Астрахан вилоятида — 10.000 гектар, Украина

ССРда — 443.000 гектар. Молдавия ССРда — 5000 гектар.
Кейин маълум бўлишича, бу масала хал этилаётганда жумхуриятларнинг эътирозлари хисобга олинмаган экан. Бу зоналар учун мос келадиган пахта навларининг йўклиги (асосан № 611—б ва № 1288 пахта навларини экишган) жойларда яхши шарт-шароит яратилмаганлиги ва моддий-техника таъминотидаги узилишлар мураккаб хо-латни юзага келтирди. Илгари галла, картошка, канд лавлаги ва бошка экинлар экиб, мўл хосил етиштириб келинган майдонлар пахта билан банд килингач, хатто энг оз микдорда хам хосил ололмадилар. Натижада жамоа ва давлат хўжаликлари, МТСлар катта иктисодий зарар кўришди. Шундан кейин СССР Вазирлар Кенгаши йил якуни бўйича бу зоналарда пахта экишни такиклади ва бу ахволга вазир ўрток Юсуповнинг эътиборини каратиб, унинг хатти-харакатларини аччик иборалар билан таърифлади.
Пахтачилик вазирлиги ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда хам салбий холлар пайдо бўлди. 1951 йилнинг кузида об-хаво паст келди. Тинмай ёмгир ёгиб, пахтанинг очилиши кечикди, йигим-терим ишлари мураккаблашди. Таб^ийки, бундай шароитда жумхуриятнинг бутун ахолиси битта максад — бутун хосилни йигиб-териб олиб, давлатга топшириш максади билан яшади. Хосил такдири пахтачилик вазирлигини хам ташвишлантира бошлади.
1951 йил 19 ноябрда СССР Вазирлар Кенгашининг «Пахтачилик бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўгрисида»ги карорини (№ 4675) олдик. Унда бизнинг илтимосларимиз ижобий хал этилганди —пахтакорларга кўшимча канорлар, каноп, автопокришкалар, галла, канд, чой ва бошка зарур махсулотлар ажратилганди. Лекин биринчи бандида А. Ниёзов ва Н. Мухитдиновнинг эътибори пахта йигим-теримини ташкил этишдаги камчиликларга каратилган эди. Унда, жумладан шундай дейилган эди: «Узбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби ўрток Ниёзовга ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раиси ўрток Мухитдиновга пахта хосилини йигиб-териб, давлатга топширишга коникарсиз рахбарлик килаётганликлари кўрсатиб ўтилсин ва улар огохлантирилсинларки, агар якин вакт мобайнида пахта хосилини тайёрлаш бўйича тадбирлар белгиланмаса, улар каттик жазоланадилар».
8 декабрда яна бир карор (№ 5003) келди. Унда шундай сатрларни ўкиш мумкин эди: «Вазирлар Кенгаши шуни таъкидлайдики, 5 декабрга кадар пахта тайёрлаш режаси 87,1 % бажарилди, ўтган йилнинг шу даврида эса Ўзбекистон ССР бўйича йиллик режа ортиги билан адо этилган эди. Ўрток Ниёзов ва ўрток Мухитдинов пахта тайёрлаш режасининг ўз вактида бажарилиши учун шахсан масъулиятли эканликлари тўгрисидаги Вазирлар Кенгашининг огохлантиришидан зарур хулоса чикармадилар, йигим-терим ишларини амалга оширишда кутилганидай суръатни таъминламадилар ва партия хамда совет ташкилотларидаги айрим рахбарларнинг пахта тайёрлаш давлат режасини бажаришга масъулиятсиз муносабатда бўлиш холлари билан муроса килишда давом этмокдалар».
Шундан кейин А. Ниёзовга ва менга СССР Вазирлар Кенгаши карори билан хайфсан эълон килинган эди. Карор остида СССР Вазирлар Кекгаши Раиси И. Сталин ва СССР Вазирлар Кенгаши Ишлар Бошкарувчиси М. Помазневнинг имзоси турарди.
Карорни уч марта ўкиб, А. Э. Ниёзовга кўнгирок килдим. У бу карор кандай тайёрланганлигини билмаслигини, бу хакда у билан хеч ким гаплашмаганлигини айтди. Шахсан мен жуда изтироб чекдим: ахир бу хаётимда биринчи марта жазоланишим эди, яна кимсан — И. В. Сталин жазолаган. Бунинг устига Вазирлар Кенгаши Раиси бўлиб ишлаётганимга эндигина етти ой бўлган бўлса (бу лавозимга 1951 йил 11 апрелда

тайинланган эдим). Эртаси куни СССР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари В. А. Малишевга кўнгирок килдим, биз у билан дўстона муносабатда эдик. У мени тинглаб, хеч гапдан хабари йўклигини айтди ва шу захоти бошка телефон билан кимгадир кўнгирок килди. Кейин бу карор, пахта бўйича кабул килинган бошка карорлар хам, СССР пахтачилик вазирлиги томонидан киритилганлигини маълум килди. Икки ойдан кейин Сталиннинг ўзи А. Э. Ниёзовга ва менга берилган жазони олиб ташлади. вазир Юсуповнинг хатти-харакатларидан норози эканлигини изхор килди. Маленков ва Берияга хам гап тегди. Бу хакда кейинрок гапираман.
1951 йилда пахта тайёрлаш режасини биронта хам жумхурият бажаролмади. Ўзбекистон бўйича эса 94 фоиз адо этилди. 1952 йил январь ойида Ўзбекистон Крмпартияси Марказий Кўмитасининг махсус Пленумини чакириб, йил якунини хар томонлама мухокама килдик. Пленумдан кейин пахтакорларнинг VIII курултойи ўтказилиб, унда йўл кўйилган камчиликлар ва фойдаланилмаётган имкониятлар хусусида очикчасига гаплашдик. Пленум карори ва курултойда катнашган пахтакорларнинг мурожаатига асосан вилоятларда, туманларда, жамоа ва давлат хўжаликларида социалистик мажбуриятлар кабул килиниб, уларда 1952 йил режасини ошириб бажаришдан ташкари, ўтган йили берилмаган пахта ўрнини коплаш хам кўзда тутилди.
Юзага келган ахволни караб чикишда ва истикболни белгилашда жумхурият иктисодиёти ривожланишига жиддий халакит бераётган бир катор заиф жойлар аникланди. Факат иттифок микёсидаги юкори идоралар ёрдами билангина хал этиш мумкин бўлган кўпгина масалалар тўпланиб колган эди. Бундан ташкари, шу нарса маълум бўлдики, гарчи хар.йили ишлаб чикариш, моддий-техника таъминоти, савдо ва бошкалар бўйича режалар тузилаётган, беш йиллик режаларида эса халк хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланаётган бўлса хам, лекин жумхуриятнинг рахбар ташкилотлари юзага келган вазият, тўпланиб колган кийинчиликлар ва иктисодиётнинг келгусида янада жадал ривожланиши хал этилишига кўп жихатдан боглик бўлган энг асосий масалалар хакида ВКП(б) Марказий Кўмитаси ва СССР Вазирлар Кенгашига кўпдан бери ахборрт беришмаган экан.
Марказий Кўмита бюросида хар томонлама мухокама килгач, бу масалаларни Москвага маълум килиш максадга мувофик, деган фикрга келинди. Хисоб-китоблар, таклифлар ва бошка хужжатларни тайёрлаш учун сохалар бўйича бир нечта группа тузилиб, уларга Марказий Кўмита котиблари ва Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари бошчилик килишди. Барча материаллар тайёр бўлгач, уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасида ва Вазирлар Кенгаши Президиумида кўриб чикиб, мен ва Р. Е. Мельникбв (Марказий Кўмита иккинчи котиби) бошлик бир гурух вакилларни Москвага юборишга карор килишди.
Пойтахтга келгач, Роман Ефимович билан аввал С. Д. Игнатьев кабулида бўлдик. Кейин В. А. Малишев, ундан сўнг А. Н. Поскребишевнинг олдига кирдик, Уларнинг хаммаси яхши маслахатлар беришди ва кўлларидан келганча ёрдам кўрсатишди,
Учинчи куни И. В. Сталин кабулида бўлиб, хал этилиши лозим бўлган масалаларни маълум килдим, Илгари унинг асарларини ўкигандим, ўзини хам кўргандим, тингла-гандим, хатто телефон оркали сўзлашгандим. Эндиликда, унинг кабулида биринчи марта бўлганимда, салобати босиб, эсанкирадим, салом бердиму, у ёгига гапимни тополмай колдим. Лекин оддий кител кийган, ўрта бўй, истараси иссик бу одамнинг хотиржам, хайрихохона назари, паст овозда мулойимлик билан гапириши ўзимни тутиб олишимга имкон берди.

Кўлимдаги хатларни кискача мазмунини баён килдим йўл-йўлакай у саволлар берди. Жавоб килдим. Кейин Мирзачўлни, Марказий Фаргона, Карши чўлларини ўзлаштириш учун сув хўжалиги курилишини кенг кулоч ёйдириш ниятимиз борлигини, Коракалпогистонда йИрик шоликорлик хўжалигини бунёд этишни мўлжаллаётганлигимизни маълум килдим ва бу режаларни амалга ошириш учун сув зарурлигини таъкидладим.
— Минтакадаги сувлардан жумхурият тўлик фойдаланяпти,— дедим,— эндиликда, бундан 90 йил илгари киевлик мухандис ва агроном П. Демченко илгари сурган гояга кайтиб, шимолий дарёлар сувининг бир кисмини Ўрта Осиёга олиб келинса, давлат катта хажмда пахта, галла, чорва махсулотларига эга бўларди.
У Голодная степь (Мирзачўл) номи кандай пайдо бўлганлигини сўради. Мен бу жумхурият марказидаги бир миллион гектарга якин майдон эканлигини, ўтмишда бу ерда пахта, мева, узум, сабзавот, галла ва беданинг ажойиб навлари етиштирилганлигини айтдим. У гавжум, обод, гуллаган маскан эди. Лекин феодал хукмдорлар ўртасидаги ўзаро урушлар, чет эл боскинчилари, айникса араблар ва мўгулларнинг истилоси натижасида сугориш тармоклари вайрон бўлган. Хозир бу ер туз, боткок, кумли барханлар билан копланган. Одамлар, хайвонлар, кушлар уни таркадтди. Ўлка халклари бу ерни Мирзачўл дейди. Бу ном кайдан пайдо бўлганлиги хали илмий жихатдан асослангани йўк. Лекин бу ном улуг олим, давлат бошлиги Мирзо Улугбек номи билан боглик, деган тахминлар бор. У чўлнинг бир неча жойида кудук казитиб, сардобалар куриб, атрофини ободонлаштирган. Узок йўл юриб келаётган карвонлар бу кудук ва сардобалардан фойдаланишганда Мирзачўл (Мирзонинг чўли) деб ном беришган,
Бир махал Сталин «Хожимуродов нима иш билан шугулланаяпти?» деб сўраб колди.
—- Билмайман,— дедим. Кейин цўшимча килдим: — Бир йил бурун кўрганимда, ўзи илгари ишлаган жамоа хўжалигида раис эди.

Сталин бу киши билан 1949 йил 21 декабрда танишган. Чимбой туманидаги «Большевик» жамоа хўжалигининг раиси Матёкуб Хожимуродов Ўзбекистон делегацияси билан И. В. Сталиннинг 70 йиллиги байрам килинишида катнашган ва Кремлнинг Георгий залидаги кабул маросимида, протоколни бузиб, тикка унинг олдига борган, тугилган куни билан табриклаган ва русча сўзларни коракалпокчага кориштириб, халкининг хаёти ва режалари хакида гапирган.
Сталин кулиб, унга ташаккур билдирган. Матёкуб ака Ўзбекистон ССР ва Коракалпогистон АССР Олий Кенгашлари депутати, Коракалпогистон вилоят партия кўмитаси ва Чимбой туман партия кўмитасига аъзо этиб сайланган. Хозир у пенсияда, Нукусда яшайди.
Сталин кабулидан чиккач, дархол Пиржон Сеитов (Коракалпогистон АССРнинг ўша пайтдаги Вазирлар Кенгаши Раиси) билан богландим. Хожимуродов сог-саломатлигини, тинчлигини, эски вазифасида ишлаётганлигини аниkладим.
Сталин билан сухбатимга кайтиб шуни айтишим керакки, охирида бир дадиллик килдим: Москвада жуда кўп, хатто майда масалалар бўйича хам карорлар кабул килиниши, бу эса уларнинг самарадорлигини пасайтираётганлиги ва жумхурият хукумати фаолиятини чеклаб кўяётганлиги хакида гапирдим. У менга каттик тикилдию, лекин хеч нарса демади. Шундан хурсанд бўлдимкй, сухбатимиз сўнгида И. В. Сталин «Хатларингиз караб чикилади», деди. Сув хўжалиги курилиши катта дастури хакида у бир огиз сўз айтди — «Киритинг».

Кремлдан Марказий Кўмитага пиёда келиб, С. Д. Игнатьевнинг олдига кирдим. У хаяжоним босилмаганлигини сезиб, диванга ўтиришни таклиф килди ва чой буюрди. Унинг хонасидан Узбекистон ваколатхонаси бошлиги Б. А. Одиловга кўнгирок килмокчи бўлдим. Семен Денисович, «Мен ўзим телефон киламан, сиз дамингизни олинг», деди. Шу пайт телефон жиринглаб колди. Семен Денисович: «Ха, шу ерда. Яхши, айтаман», деб жавоб килди. Кейин менга: «Сизни Маленков чакираяпти», деди.
Бешинчи каватга кўтарилдим. У дархол кабул килди. Хатларнинг мазмуни билан танишгач, ўша захоти Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Г. И. Первухинга, ВКП(б) Марказий Кўмитаси машинасозлик бўлими мудири И. И. Кузьминга, ВКП(б) Марказий Кўмитаси кишлок хўжалиги бўлими мудири А. И. Козловга кўнгирок килиб, хатлар билан тезда танишиб чикиб, Вазирлар Кенгаши карори лойихасини Ташкилий бюрога киритишни таклиф этди. Ўша куни Тошкентдан борганлар хаммамиз улар хузурида тўпланиб, Госплан, Молия вазирлиги ва бошка иттифок идоралари вакиллари иштирокида биз олиб борган хатларни ўрганиш ва мухокама килиш, зарур хужжатларни тайёрлаш бошланди.
7 февралда ВКП(б) Марказий Кўмитаси Ташкилий бюроси мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартиби бўйича навбат бизнинг масалаларга келганда, раислик килувчи Г. М. Маленков менга сўз берди. Иил якуни, жумхуриятнинг имкониятлари ва истикболи хакида кискача гапирйб, такдим этилаётган лойихаларда Ўзбекистондаги мавжуд муаммоларнинг кўпи ўз ифодасини топганлигини таъкидладим.
Маленков ўтирганларта мурожаат килиб, карорЛарнинг лойихалари хамманинг кўлида эканлигини айтди ва кандай фикр-мулохазаларингиз бор, Деб сўради. Н. С. Хрушчев бу йил жумхурият канча пахта бериши билан кизикди. Режада белгиланган ракамни айтдим. П. К. Пономаренко такдим этилган карорларни кабул килишни таклиф килди. Хамма карорларни кабул килиш учун овоз берди. Г. М. Маленков карорлар кабул килинганлигини эълон килди ва менга мурожаат этиб сўради: «Сизнинг яна кандай гапларингиз бор?» Бу карорларни олиб кетиш истагим борлигини айтдим. У ўз ёрдамчиси Сухановга уяарни имзолаш учун дарров тайёрлашни буюрди.
1952 йил бошида Тожикистон Компартияси Марказий Кўмитаси биринчи котиби Бобожон Гафуров И. В. Сталин номига мактуб йўллади. Бу мактубида у тор, эгатларга; жумладан 60—70 сантиметрли ўрнига 45 сантиметрли эгатларга чигит экиш тажрибасини баён этди. Бу усулнинг пахта хосилдорлигини оширишдаги, ер, сув ва ишчи кучларидан омилкорлик билан фойдаланишдаги афзалликларини батафсил таърифлаб, хозир Тожикистонда 70 фоиз майдонга шундай усулда чигит экилаётганлигини маълум килди. СССР Вазирлар Кенгаши ўша йил 17 февралда пахтачилик вазирлиги рахбарлигига ушбу тажрибани ўрганиш ва кенг ёйиш бўйича таклиф киритишни топширди.
Март ойида Б. Гафуров И. В. Сталинга яна бир хат юбориб, У. Юсупов устидан шикоят килди. СССР Вазирлар Кенгаши 1952 йил 4 апрелда «СССР пахтачилик вазири ўрток Юсуповнинг Тожикистон ССРдаги илгор пахтакорларнинг тажрибасига нотўгри муносабати тўгрисида Тожикистон Компартияси Марказий Кўмитасининг хати» деб номланган карор (№ 486) кабул килди. Унда ўрток Юсупов коникарсиз маъруза такдим этганлиги ва Тожикистон Компартияси Марказий Кўмитаси ва Вазирлар Кенгаши билан келишмасдан, бу жумхуриятда 1953 йилда тор эгатларга чигит экиш режасини ўтган йили аслида экилган 97,5 минг гектар ўрнига, 56 минг гектар килиб белгилаганлиги таъкидланди.

Вазирлар Кенгаши ўрток Юсуповнинг эътиборини илгор тажрибага ва СССР хукумати топширигига бундай муносабатга йўл кўйиб бўлмаслигига каратди. Тор эгатларга чигит экишни кенг жорйй этиш ва пахтачиликни механизациялаштириш масаласини ўйлаб кўришни хамда 1952 йилнинг 15 апрелидан кечикмай бу масала бўйича Вазирлар Кенгашига маъруза такдим этишни унинг зиммасига юклади.
Ўзаро муносабатларни яхшилаш максадида У. Юсупов шу йил кузда Тожикистонга келди. Б. Гафуров билан .учрашув самимий бўлган, деб айта олмаймиз. Жумхурият бўйлаб сафарида ўрток Юсуповга Тожикистоннинг ўша пайтдаги Вазирлар Кенгаши Раиси Ж. Расулев хамрохлик килди. Вазир ёрдамчиси Кўргонтепа шахар партия кўмитасидан Деновга кўнгирок килиб, куннинг иккинчи ярмида поездда Усмон Юсупов боришини туман партия кўмитаси котиби Ж. Акрамовга маълум килди. Юкорида бу вокеани эслаб ўтгандик. Унинг тафсилоти куйидагича: Усмон Юсуповнинг Ўзбекистон туманига келишини вилОят партия кўмитасида хам, жумхурият Компартияси Марказий Кўмитасида хам деярли хеч ким билмади. Албатта, обкомнинг биринчи котиби Жўрабоев ва вилоят ижроия кўмитаси раиси Ортикбв ўша захоти у ерга етиб боришди. У. Юсупов Ўзбекистоннинг бошка биронта тумани ёки вилоятида бўлмай, Тожикистон оркали Москвага учиб кетди. Усмон ака бу учрашувда эски дўстларини кўрганлигидан хурсанд бўлиб, хиссиётларига эрк берди, партия Марказий Кўмитаси ва мамлакат хукуматйдаги ишлар, Тожикистон ва Ўзбекистон рахбарлари тўгрисидаги ўз фикрлари билан ўртоклашди. Бир неча кундан кейин эса бу гап-сўзларнинг тўла матни нукта-вергулигача кўйилиб, Москвага маълум килинди-ки, бу олий рахбарликнинг норозилигини тугдирди.
И. В. Сталин 1953 йил 5 мартда вафот этди, 9 мартда дафн этилди. Шундан кейин кўп ўтмай СССР пахтачилик вазирлиги тугатилди.
Усмон аканинг такдйрига Берия билан якинлиги хам кўп жихатдан ёмон таъсир кўрсатди.
У. Юсупов 1937 йил 26 сентябрда бўлган Марказий Кўмитанинг IV Пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. Шундан кейин сал вакт ўтгач, Москвада Н. Ежов ишдан олиниб, отиб ташланди ва НКВДга рахбарлик Бериянинг кўлига ўтди. Бутун мамлакатда ички ишлар органларини «ежовчи»лардан тозалаш бошланди. Шунда У. Юсупов И. В. Сталин ва Л. П. Берияга, кейинрок эса Г. М. Маленковга хат йўллаб, жумхуриятда йўгГ кўйилган конунбузарликлар ва ички ишлар органларида нопок кишилар кўпайиб кетганлиги хакида ёзди, бу ташкилотларни янги кадрлар билан мустахкамлашни сўради. Ўшанда, бошка жумхуриятларда бўлганй сингари, Ўзбекистонда хам ежовчилар ўрнини Бериянинг одамлари эгаллади.
У. Юсупов билан Берия якинлигининг бошка сабаби хам бор. Бу уран ва олтин билан боглик масаладир. Юкорйда айтганимиздек, уруш тугаши биланок АКШ дунёда вазиятни кескинлаштириш, атом бомбаси бйлан кўркитиш йўлини тутди. Сталин хар кандай килиб бўлса хам ўз атом саноатимизга эга бўлиш вазифасини кўйди. Бунинг учун эса биринчи навбатда уран керак бўлиб, уни чет элдан факат тиллага сотиб олиш мумкин эди. Сталин мамлакат худудида уран конини кидириб топиш, казиб олиб, заводларга ташиб келтириш ва ишлаб чикаришни назорат килишни шахсан Бериянинг зиммасига юклаб, унга катта хукуклар берди.
Маъданшуносларнинг изланишлари натижасида мамлакат учун зарур бўлган мазкур казилма бойликлар, яна бир катор камёб металларнинг конлари Зарафшон ва Фаргона водийсида, Кизилкумда мавжудлиги маълум бўлди. Урушдан кейинги йилларда бу

туманларда шахталар, заводлар, посёлкалар, шахарлар бунёд этилди, одамларнинг яшаши ва мехнат килиши учун бошка шарт-шароитлар яратилди. Янги конларда минглаб махбуслар мехнат килиб, тайёрланган куймалар махфий заводларга ва омборларга юборилди. Канча уран ва тилла тайёрлаб жўнатилганлиги хакида Берия ва Юсуповга маълумот бериб турилди. Табиийки, бундай ишлар мамлакатнинг кимматли металл конлари аникланган бошка минтакаларида хам амалга оширилди.
Шундай килиб, киска вактда АКШнинг атом монополияси тугатилди, водород бомбасини эса СССР биринчи бўлиб яратди.
Пихини ёрган игвогар ва амалпараст Берия жуда тез Сталиннинг ишончига кирди, айникса унинг умри охиида турли хийла-найранглар билан энг якин одамига айланди. Бериядан хамма, шу жумладан Сиёсий бюро аъзолари хам кўркишарди.
Сталин вафот этгач, Берия ярим йил КПССМК биринчи котиби сайланмаганлигидан фойдаланиб, давлат тўнтаришини тайёрлаш учун пинхона харакатни кучайтириб юборди. Ўзига карши бўлган кишиларни вазифасидан четлатди ёки обрўсизлантирди, марказда, шунингдек жойларда таянса бўладиган кишиларни кидириб, юкори лавозимларга кўйди. Унинг асосий муддаоси мамлакатда хокимиятни кўлга олиш эди.
Ўшанда Берия мени хам йўкотмокчи (оттириб юбормокчи) бўлди. Мени унинг чангалидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси бюроси ва КПСС МК Сиёсий бюросининг кўпчилик аъзолари куткариб колишган.
1953 йил апрель ойининг охирида бизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси биринчи котиби хонасига таклиф килишди. Марказий Кўмита котиблари ва бюро аъзолари тўпландик. «Л. П. Бериянинг хати» келганлигини маълум килишди. Ўша пайтда у КПСС МК Президиуми аъзоси, СССР Вазирлар Кенгашининг биринчи ўринбосари эди, Давлат хавфсизлиги кўмитасига ва мамлакат Ички ишлар вазирлигига бевосита рахбарлик килар эди.
Хатни овоз чикариб ўкий бошлашди. Унинг мазмуни билан танишганимиздан кейин эса хамма жим бўлиб колди. Гап шундаки, хатда миллий жумхуриятлардаги кадрлар сиёсати тўгрисида сўз борарди. У шундай ёзилгандики, гўё партия ва давлат идораларини «миллийлаштириш» тўгрисида «гамхўрлик» килинаётганга ўхшарди.
Шуниси галатики, ушбу мактубни муаллифнинг котибияти юборган эди (КПСС МКда кўриб чикилмаганди).
Раислик килаётган А. Э. Ниёзов сукунатни бузиб, ўтирганларга фикр-мулохазаларини билдиришни таклиф килди. Кимдир рўйхат тузишни бошлаш керак, деди. Менга вазирликлар, махкамалар ва Вазирлар Кенгаши аппарати бўйича рахбар кадрларнинг миллий таркибини аниклаш ва миллатига караб бирини иккинчиси билан алмаштириш тўгрисида таклифлар тайёрлашни тавсия этишди.
Сўз олиб, кўплаб малакали кадрлар тайёрланганлиги катта ютугимиз эканлигини айтдим. Жумхуриятнинг барча рахбар идораларида муносиб ходимлар жамланган. Албатта, айрим кадрларимизнинг нуксон ва камчиликлари бор, лекин хозир уларни ялпи алмаштириш масаласини кўйиш мумкин эмас.
Менга эътироз билдиришди: «Хамон хат юборилган экан, унга жиддий муносабатда бўлишимиз керак».
Бошка баъзи бир, ўртоклар хам хатда баён килинган таклифларга салбий муносабатларини билдиришдию, лекин анча эхтиёт бўлиб гапиришди.
Эртаси куни хонамда ўринбосарларим М. З. Мирзаахмедов, А. Н. Рудин, ёрдамчим Н. А. Сибирцев ва иш бошкарувчи вазифасини бажарувчи В. С. Гукасов билан бирга ўтириб,

Вазирлар Кенгаши мажлиси кун тартибини тузаётган эдим. Бирдан Москвадан кўнгирок килиб колишди. Лаврентий Павлович гаплашмокчи эканлиги тўгрисида огохлантириб, улашди. Берия саломлашмай, кўполлик билан «Нега сен менинг хатимга карши гапирдинг?» деди. Унга жавобан мен Марказий Кўмита бюросида айтган нуктаи назаримни такрорладим. У сўзимни охиригача тингламай, мени хакоратлади. Мен унинг муносабати ва гап охангидан хайрон колаётганлигимни айтдим. У яна сўкиб, кулингни кўкка совуртириб юбораман, деб телефон дастасини кўйди.
Шу захоти А. Э. Ниёзовга кўнгирок килиб, ундан МКнинг бошка котиблари билан биргаликда мени кабул килишини илтимос килдим. У, икки соатдан кейин келишингиз мумкин, деди. Айтилган вактда борсам, унинг хонасида Р. Е. Мельников ва М. А. Абдураззоков ўтиришган экан. Уларга Берия билан ўртамизда бўлган гапни айтиб, вазифамдан озод килишларини сўрадим. Ўзок гаплашишди. Амин Эрматович «Ўйлаб кўрамиз», деди ва менга кизишмасдан, вазмин бўлиб туришни таклиф этди. «Келинг, 1 Май байрамини тинчликча ўтказайлик, кейин бир гап бўлар», деб хулоса килди у.
1953 йил 1 майда Тошкент мехнаткашларининг Ленин номидаги майдонда бўлган байрам намойишида мен хам минбарда турдим. Ўзимни кувнок тутиб, жилмайиб, намойиш катнашчиларининг олкишига жавоб бердим. Лекин бу пайтда ичимда изтироб чекаётганлигимни, миям кандай нохуш хаёллар билан банд эканлигини хеч ким билмасди. Мен билан сўзлашиб, янада газабланган Л. П. Берия бошкаларни хам ишга сола бошлади.
3 майда туманга боришга тайёргарлик кўраётган эдим, Марказий Кўмитага чакириб колишди. Борсам у ерда Марказий Кўмита бюро аъзолари ўтиришган экан, Биринчи котиб, ўрток Н. А. Мухитдиновни Вазирлар Кенгаши Раиси вазифасидан озод килиш тўгрисида таклиф бор, деди.
Туркистон харбий округи кўмондони генерал И. В. Петров сўради:
— Сабаби нима?
— Москвадан кўнгирок бўлиб, шундай килиш лозимлигини айтишди,— деди А. Э. Ниёзов.
— Ким кўнгирок килди? — деб сўради М. 3. Мирзаахмедов.
— Берия кўнгирок килди. Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши Раиси этиб Усмон Юсу-повни тайинлашни тавсия килди.
Шунда бюро аъзолари, айникса Р. Е. Мельников, А. М. Баскаков, В. А. Билбас, М. А. Абдураззоков ва бошкалар бу ишга рози эмасликларини айтишди ва МК бюроси Н. А. Мухитдиновни Вазирлар Кенгаши Раислигида колдириш зарур, деб хисоблаётганлигини Берияга етказишни А. Э. Ниёзовга таклиф килишди. Шу билан таркалдик.
4 майда яна Марказий Кўмитага таклиф килишди. Барча бюро аъзолари тўпланишганда, А. Э. Ниёзов яна Москвадан кўнгирок килишганлигини, бизнинг кароримизни кутишаётганлигини айтди. Биринчи бўлиб сўз олиб, мени исталган вилоятга ёки ижтимоий факлар академиясига ўкишга юборишларини, Вазирлар Кенгаши раиси этиб эса У. Юсуповни тайинлашни таклиф килдим. Бюро аъзоларидан айримлари ўз нуктаи назарларини бир катор мулоказалар бйлан асослаб, эътироз билдиришди. Узок ва кизгин мухокамадан кейин секретариатга таклиф тайёрлашни Топширишди.
Уч йилча бурун Москвага кетган пахтачилик вазирлигининг барча рахбарлари Тошкентга кайтишаётган эди. 6 май куни эрталаб, Амин Эрматович кўнгирок килиб, олдимга келиб кета оласизми, деди. Бордим. Унинг хонасида Марказий Кўмита котибларидан бир нечтаси ўтирган эди. У юзага келган вазиятдан хафа бўлиб ва ўзим катъий илтимос килаётганлигимни таъкидлаб, танишиб чикиш учун кўлимга кбгоз берди. Бу мени

Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимидан озод килиб, бу ишга ўрток У. Ю. Юсуповни тайинлаш, мени эса Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Ташки ишлар вазири этиб тайинлаш тўгрисидаги фармон лойихаси эди.
У билан танишгач, мени- чеккарок жойга ишга жўнатиш мумкин эмасми, деб сўрадим. Хамма эътироз билдирди. Шу боисдан, рози бўлдим. Куннинг иккинчи ярмида Марказий Кўмита бюро мажлиси бўлди. Амин Эрматович юкоридаги фармон лойихасини эълон килди. Хеч ким гапирмади.
Бюро мажлиси тугагандан кейин хамма менинг уйимга борди. Ярим кечагача бирга ўтириб, чой ичдик, юракдан гурунглашдик. Марказий Кўмита бюро аъзоларининг бундай самимий муносабати мени жуда тўлкинлантириб юборди.
ЎзССР Олий Кенгаши Президиуми Раиси Ш. Рашидов ва Президиум котиби Ж. Илхомова шу куни, яъни 6 майда мени вазифамдан озод килиш тўгрисидаги фармонга имзо чекишди.
7 майда янги ишимга бормокчи бўлиб турган эдим, бирдан Амин Эрматович уйидан кўнгирок килиб, Марказий Кўмитага келишимни буюрди. Бордим. Хонасига кир-ганимда, у кўришишга улгурмасимизданок, КПСС МКдан кўнгирок килишиб, мен хакимдаги карорни хозирча амалга оширмай туришни таклиф этишганлигини айтди. Бу менинг КПСС МК аъзоси, СССР Олий Кенгаши депутати эканлигим, Вазирлар Кенгаши Раиси лавозими эса партия Марказий Кўмитаси Сиёсйй бюроси номенклатураси эканлиги билан боглик эди. Кейин маълум бўлишича, К, Е. Ворошилов, Н. С. Хрушчев, В. М- Молотов, А. А. Косигин, Н. А. Булганин менй ишимдан озод килиш максадга мувофиклигига шубха билдиришибди. Берия эса каттик талаб килибди. Уни Г. М. Маленков, Л. М. Каганович, А. И. Микоян кўллаб-кувватлабди. Шу сабабли куннинг иккинчи ярмида яна кўнгирок килишиб, карорга рози бўлганликларини СССР Вазирлар Кенгаши йўли билан огзаки маълум килишди.
8 май куни эрталаб хукумат биноси олдида Усмон Юсуповни кутиб олиш билан янги вазифамни адо этишни бошладим. Уни хбнасига олиб кириб, хамма нарсани кўрсатдим, шундан кейин иккимиз узок сухбатлашдик.
Бир кун ўтгач, яъни 10 майда юк машинасига рўзгор анжомларини ортиб, Гоголь кўчасиДаги, илгари Файзулла Хўжаев яшаган уйни тарк этдим ва оилам билан Оллон махалласидаги отам яшаётган эски ховлидаги (онам 1951 йилда вафот этган) бир хонали уйга кўчиб бордим. Бу ерда янги вазифага ўтгунимга кадар яшадим.
Вазирлар Кенгашида Москвадан кайтган ўртоклар янги вазифаларни ўзлаштиргунга кадар, бир ярим ойдан кейин нохуш можаро бўлди. Партия йигилишида У. Юсупов билан келган, унинг ишончини козонган ва хукуматда мухим лавозимни эгаллаган ўртоклардан бири ўз нуткида Вазирлар Кенгашида иккита гурух — консерваторлар ва новаторлар гурухи юзага келиб, харакат килаётганлиги хакида гапирди. Унинг фикрича, гўё консерваторлар эскича ишлашга ўрганиб колганликлари сабабли янгиликни жорий этишга каршилик кўрсатишаётганди, иш услубини тубдан яхшилашга, халк хўжалигини кескин юксалтириш ва бошкаларга тўскинлик килишаётганди. Новаторлар эса — булар Усмон Юсупович билан келган кишилар бўлиб, унинг рахбарлигида хукумат, вазирликлар ва махкамаларнинг фаолиятини катъий кайта кўриб чикиш, кадрларни янгилаш ва бошка тадбирларни амалга ошириш учун интилишаётган эмиш. У хукумат аппаратини консерватор ходимлардан тозалаш вазифасини кўйди.
Мен шу захоти сўз олиб, бу нотикнинг соглом, етук, жипслашган жамоани сунъий равишда икки гурухга бўлиб, бир-бирига карши кўяётганлиги ва тажрибали ходимларни

асоссиз равишда консерватизмда айблаб, уларни ишдан четлатишга даъват этаётганлиги хакида гапирдим. Бундай баёнотлар ва хатти-харакатлар жамоанинг жипслигига, иш ва хукумат обрўсининг яхшиланишига зарар етказиши мумкин, дедим.
Бу нотикнинг ўйламай айтган сўзи кўпчилик ўртокларнинг энсасини котирди, уч киши унинг фйкрига эътироз билдирди.
Усмон Юсупович етук арбоб сифатида юзага келган вазиятни, мажлисда иштирок этаётган коммунистларнинг кайфиятини дархол илгаб, ўзига якин ходимнинг жамоага берган бахосига салбий муносабат билдирди ва яна гапини силликлаб, хаммамиз жипслашиб мехнат килишимиз керак, деди.
Жамоада шундан бўлак жиддий можаро ёки келишмовчилик бўлтанлигини эслай олмайман. Биз Усмон Юсупович билан кўлни кўлга бериб, дўстона ишлашдик. Лекин уни икки ёки уч марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси секретариатига чакириб, МК ихтиёрида бўлган талайгина йирик масалаларни хукуматда яккабошлик билан хал этиб юбораётганлиги тўгрисида эътироз билдиришди.
1953 йил 2 июлда КПСС МК Пленуми очилиб, унда Л. П. Бериянинг социалистик конунчиликни, партия Устави талабларини кўпол равишда бузганлиги, хизмат вазифасини суиистеъмол килганлиги, давлатга ва халкка катта зарар етказадитан ўзбошимчаликларга йўл кўйганлиги масаласи мухокама килинди. Пленум Л. П. Берияни барча лавозимлардан бўшатиш ва партиядан ўчириш тўгрисида бир овоздан карор кабул килди. Мазкур Пленум ва унинг 1953 йил 10 июлда «Правда» рўзномасида эълон килинган кенгайтирилган карорлари, партия ташкилотлари обрў-эътиборини оширишда, социалистик конунчилик ва хукук-тартиботни мустахкамлашда, хар бир ходимнинг шахсий масъулиятини кучайтиришда мухим ахамиятга эга бўлди.
Унинг кадрлар тўгрисидаги шубхали мактуби йўк килинди. Хамма шунга ишонч хосил килдики, Бериянинг кадрлар тўгрисидаги «гамхўрлиги» игвогарона максадни — ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни миллий асосда мураккаблаштиришни кўзда тутган эди. У бундан фойдаланиб, бировни миллатчиликда, иккинчи кишини шовинизмда айблаб, ўзига маъкул бўлмаган шахсларни йўкотмокчи бўлган эди. Кадрларни янгилаб, ўзининг кора ниятларини амалга ошириш учун жойларда таянчга эга бўлишни мўлжаллаганди.
Пленум топширигига биноан, Берия ва унинг шериклари иши юзасидан бир неча ой мобайнида тергов олиб борилди. Декабрь ойининг ўртасида алохида харбий трибуналнинг суд мажлиси бошланди. 1953 йил 23 декабрда трибунал хукми билан Берия ва унинг энг якин шериклари отиб ташланди.
Орадан кўп ўтмай, 1954 йилда, мени эски ишимга тиклашди, яъни яна жумхурият Вазирлар Кенгаши Раиси этиб тасдиклandим.
1988 йилда «Известия», «Литёратурная газета», «Московские новости» рўзномаларида, «Крокодил» ойномасида У. Юсупов хакида маколалар босилди. Шу муносабат билан 34 партия, уруш ва мехнат фахрийси «Правда Востока» рўзномасига ёзган, 1988 йил 16 октябрда босилган «Ошкоралик мезони — хакикат» сарлавхали мактубда бу маколаларни тахлил килишди, асоссиз айблар ва хакоратларни фош этишди, ўзлари билан узок вакт бирга ишлашган Усмон Юсупов тўгрисидаги хакикатни айтишди, Таникли олимлар —- тарих фанлари докторлари М. Искандаров ва Ф. Исхоков У. Юсупов хакида катта очерк ёзиб, унинг сиёсий киёфасини яратишди. Бу очерк хам 1988 йил 27 ноябрда «Правда Востока»да эълон килинди.
Ёзувчи Комил Икромов ўз маколаларида отаси Акмал Икромовнинг халок бўлишида У.

Юсуповни айбдор хисоблаган ва у рахбарлик килган йилларда Ўзбекистонда 40 мингга якин киши катагон килинган, деган.
Лекин хамма иш учун якка ўрток Юсуповни айблаш тўгри эмас. Келтирилган ракам хам шубха тугдиради.
Иккинчи томондан, катагон билан боглик ишларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг ўша пайтдаги биринчи котибининг дахли бўлмаган, дейиш хам тўгри эмас. У, гарчи юрагида шу ишни хохламаса хам, барибир хизмат такозоси билан — жумхуриятнинг биринчи сиёсий рахбари ва машъум «учликининг раиси сифатида четкада тура олмасди.
«Еш ленинчи» рўзномасининг 1990 йил 21, 22, 23 август сонларида босилган «Хакикат ўлмайди» сарлавхали маколамда мен А. Икромов, Ф. Хўжаев ва бошкалар кандай катагон килинганликлари ва улар 1956 йилда кандай окланганликлари хакида ёздим.
Шуни таъкидлаш керакки, А. Икромов ва У. Юсуповнинг ўзаро муносабатлари, улар биргаликда ишлашган дастлабки йиллардаёк, юмшок килиб айтганда, у кадар силлик бўлмаган.
Ўзбекистон КП(б)нинг 1929 йил март ойида Самаркандда бўлган IV съездида, бунгача Тошкент округ партия кўмитаси ташкилий бўлими мудири бўлиб ишлаган Усмон Юсуповни Ўзбекистон КП(б) Марказий Кўмитасининг тармок котиби этиб сайлашди. Ана шунда жамоа хўжаликларини ташкил этиш муддатлари, суръатлари, шакллари, кулокларни тугатиш масалаларида у билан А. Икромов ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлди. Шу муносабат билан 1931 йил октябрда У. Юсупов ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси раиси этиб сайланади.
Шу йилнинг декабрь ойида бўлган ВЦСПС пленумида У. Юсупов ва А. И. Микоян президиум столида ўтириб танишишади ва бу секин-аста дўстликка айланади.
1934 йилнинг декабрида У. Юсупов Москвага икки йиллик марксизм-ленинизм курсига юборилади. Ўкиши давомйда у Анастас Иванович билан тез-тез учрашиб туради, унинг квартирасида, иш жойида бўлади. Шу даврдан бошлаб Микоян унга мураббийлик кила бошлайди.
У. Юсупов 1936 йилда ўкишни тугатганидан кейин, А. Икромов, Ф. Хўжаев ва МК бюросининг бошка аъзолари унинг эски ишига кайтишига — МК котиби бўлишига розилик билдиришмади. Шунда Микояннинг шахсий ташаббуси бйлан Усмон Юсуповни озик-овкат саноати халк комиссари этиб таиинлашиб, бу ишда у ярим йилдан кўпрок ишлади.
ВКП(б) МКнинг февраль-март (1937 й.) Пленумида Н. Бухарин ва А. Риков фаолияти танкид килиниши муносабати билан улар ишини кўриб чикиш учун А. Микоян раислигида комиссия тузилди. Комиссия Пленумга тайёрлаган маърузасида Бухарин ва Риков партияга карши фаолият олиб борадиган ўз гурухларини тузганликлари таъкидланиб, уларни жиноий жавобгарликка тортишни таклиф килди.
Пленум комиссия маърузасини прокуратурага топширди.
Уларни СССР Бош прокурори А. Вишинскийнинг талаби билан суд килган Олий Суднинг харбий хайъати ўзининг 1938 йил 13 мартдаги хукми билан 21 судланувчидан 18 нафарини, шу жумладан, А. Икромов ва Ф. Хўжаевни хамолий жазога хукм килиб, бир кундан кейин — 15 мартда улар отилдилар.
У. Юсупов А. Микоян билан бўлган кўплаб учрашувларида жумхуриятдаги ахвол, рахбар ходимлар тўгрисида танкидий гапларни айтган. Ўзбекистонда бир марта хам бўлмаган Микоян эса, албатта, бу ахборотлардан Пленум учун маъруза тайёрлаётгандагина эмас,

балки 1937 йилнинг ёзида ВКП(б) МК Сиёсий бюросида А. Икромовнинг аризаси унинг иштирокида караб чикилганида хам фойдаланди.
Сталин Икромовни халол одам деди, лекин Микоян, шунингдек уни кўллаб-кувват-лаган Каганович, Ежов ва бошкалар Сталиннинг фикрини ўзгартириб, Икромовнинг жиноий жавобгарликка тортилишига эришишди.
Уни Ўзбекистон КП(б) Марказий Кўмитасининг 1937 йил сентябрда бўлган Пленумида ишдан олиб, партиядан ўчиришди. Лекин бу иш, баъзилар таъкидлаганидек, ўрток Юсуповнинг маърузаси бўйича эмас, балки И. В. Сталин ва В. М. Молотовнинг мактуби ва А. Андреевнинг ахбороти асосида килинди. У. Юсупов 35 нотик каторида музокарада сўзга чикди. Юкоридаги мактубни эса Н. Ежов ва А. Вишинский А. Микояннинг маърузалари асосида тайёрлашган эди.
III Пленумдан кейин ўн кун ўтгач, 1937 йил 26 — 28 сентябрда МКнинг IV Пленуми бўлиб, бир неча номзодни мухокама килиб, У. Юсуповни Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби этиб сайлади.
Орадан кўп ўтмай Н. Ежов социалистик конунчиликни кўпол равишда бузганликда ва кўлидаги хокимиятни суиистеъмол килганликда айбланиб, ВКП(б) МК котиби лавозимидан олинди, камалиб, отиб ташланди.
Ўшанда «учлик» ва «алохида кенгашилар хам тугатилди. Москва судларида йирик, шов-шувли ишлар кўрилмайдиган бўлди. Лекин мамлакатнинг чекка жойларида куйи ташкилотларнинг ходимларига ва жиноий жавобгарликка тортилганларнинг оила аъзоларига нисбатан катагон давом этди. А. Икромовнинг хотини, болалари, ака-укалари, кариндошлари, хатто кекса холаси, поччасигача шу йўсинда камалиб, отилди ёки сургун килинди. Уларнинг деярли хеч бири ёруг кунларга етмай, лагерларда ўлиб кетишди.
Файзулла Хўжаевнинг укаси Ибодулла ўзини отиб ўлдирди. Онаси Райхон опа ва биринчи хотини Маликахон сургунда ўлишди. Иккинчи хотини Фотима ва кизи Вилоятхон камок муддатини ўтаб бўлишгач, озодликка чикишди. Катагон килинган бошка рахбар ходимлар оилаларининг кисмати хам шундай бўлди.
Шундан кейинги йилларда хам ўлкамизнинг юзлаб иктидорли ўгил ва кизлари халок бўлганлигини асло оклаб бўлмайди. Бунга, жумладан Усмон Носир ва Султон Сегизбоевнинг такдирини мисол келтириш мумкин.
Усмон Носир 1912 йилда Наманган шахрида тугилган. Ёшлигидаёк унинг одатдагидек бўлмаган таланти, зўр иктидори борлиги маълум бўлади за тезда ўз асарлари билан элга танилади. ёш ижодкор хеч кандай жинояти бўлмаган холда катагон килиниб, атиги 32 йил яшаб, сургундд халок бўлди.
У Москвада бўлган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигидан кайтаётиб, вагонда Сталин тўгрисида кандайдир бир ножўя гап айтади. Бу гап дархол тегишли идорага етказилиб, шоирни камашади ва Сибирга сургун килишади. Магадандаги лагерда бўлганида, у огир касал бўлганига карамай, ижодини давом эттириб, шеър ва дострнлар ёзади. 1943 йилда У. Юсуповга мактуб йўллаб, Сибирнинг каттик совугига организми дош беролмаётганлигини, Ўзбекистондаги исталган лагерга ўтишда ёрдам беришини сўради. У. Юсупов бу мактубни ўз таклифларини айтишлари учун жумхурият Ёзувчилар уюшмаси рахбарларига юборди. Улар эса талантли хамкасбларининг сургундан кайтишига карши туришди.
Усмон Носир хатига жавоб ололмай, Кемероводаги махбуслар шифохонасида вафот этди. У Ўзбекистон рахбарларининг тавсияси билан 1957 йил 21 мартда окланди.

Кемероволикларга рахмат, шоир дафн этилган жойни топишда кариндошларига ёрдам беришди. 1988 йилда Усмон Носирнинг хокини Тошкентга олиб келиб, Чигатойдаги биродарлар кабристонига дафн этишди.
50-йилларда мен шоирнинг отаси Носирхўжа ака билан Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилаётган ерида учраштан эдим, у ўша пайтда бу ерда гидротехник бўлиб ишларди. 40-йилларнинг охйрида Наманганда ишлаганимда Усмон Носирнинг лотин имлосида нашр этилган бир нечта асарини ўкиганман. У хаёт, мухаббат, гўзаллик, инсонийлик, Ватан хакида жўшиб, калбдан куйлаган эди. Кисматни карангки, хаёт ва мухаббат хакида шундай зўр илхом билан ёзган бу йигит севган кизига уйланолмади, оила хаёти бахтини бир кун бўлса хам татиб кўролмади, ўзидан зурриёт колдирмади. Инсон ва инсонийлик тўгрисида куйлаб, ёвузликнинг курбони бўлганлиги эса энг дахшатлисидир.
Ким билсин, Усмон Носир боқий умр кўрса, XX асрнинг Навоийсига, дунёвий шахсга айланармиди?!
Султон Сегизбоев 1899 йилда тугилган. 1916 йилда ўлкамизда бўлган галаёнда фаол'иштирок этган. 1918 йилда Коммунистик партия сафига ўтган. 1918 йилдан Оккўргон, Пискент волостларида ижроия кўмита ва инкилобий кўмиталарнинг раиси бўлган. Кейин Фаргона вилоятида совет ва партия идораларида рахбарлик лавозимларида, шу жумладан, «Фаргона» рўзномасининг мухаррири, вилоят партия кўмитасининг котиби бўлиб ишлади. Сўнгра Тошкент уезд кўмитасининг котиби бўлди. 1925—30 йилларда Москвадаги кизил профессура институтида ўкиб, уни аъло бахолар билан тамбмлади. 1930—31 йилларда Бутуниттифок кишлок хўжалик академиясининг Ўрта Осиё филиали ва пахтачилик институтининг директори бўлди.
Козогистонга юборилиб, жумхурият Компартияси Марказий Кўмитаси кишлок хўжалик бўлими мудири бўлди. 1937 йилдан Шимолий Козогистон вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. 1937 йил сентябрда Ўзбекистон ССР Халк Комиссарлар Кенгаши Раиси вазифасини бажара бошлади. ВКП(б)нинг XI, XVI, XVII съездлари делегати бўлди.
1937—38 йилларда СССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари этиб сайланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг IV Пленумида бошкалар катори унинг номзоди хам Марказий Кўмита биринчи котиблигига мухокама килинган.
У Жанговар Кизил Байрок ордени, бошка орденлар ва медаллар, номи ёзилган соат ва курол билан такдирланган. С. Сегизбоев профессор илмий унвонига эга эди, ўзбек тилидан ташкари, рус, инглиз ва француз, козрк тилларини биларди. Тошкент ва Москва олий ўкув юртларида сиёсий иктисоддан дарс берган.
1938 йил 15 июнда Тошкент вилоят партия конференцияси очилди. Президиумда У. Юсупов, С. Сегизбоев ва Марказий Кўмита бюросининг бошка аъзолари ўтиришган эди. Шу конференцияда иштирок этган делегатларнинг хикоя килишича, маъруза бўлаётган пайтда бир одам Сегизбоев ёнига кедиб, уни вестибюлга таклиф этади. У ўрнидан туриб, ташкарига чикади. Шу пайт ички ишлар халк комиссари Апросиян У. Юсупов олдига келиб, унга нимадир деди.
Сегизбоевни шу йўсинда камаб, 2 июнда марказга олиб кетишди. 1939 йил 25 февралда харбий трибунал суди бўлди. Сегизбоев суддаги сўнгги сўзида шундай деди: «Хамма айбларни кийнаш йўли билан бўйнимга кўйишди. Ўз айбларимни тўла инкор киламан, уларни тан олмайман. Ишимни кайта терговга юборишларингизни талаб этаман».
Суд икки соат давом этди. Уни олий жазога хукм килишиб, шу куниёк отишди. Истикболи

порлок партия ва давлат арбоби, олим ана шундай халок бўлди. Султон Сегизбоев Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг таклифи билан 1957 йил 6 ап;5елда окланди.
У хакда гапирганда, асарларини, айникса тарих ва иктисодиётга оид илмий ишлари-ни алохида китоб холида нашр этиш максадга мувофиклигини айтиш керак. У Оккўргонда тугилиб ўсган, хозир учинчи ва тўртинчи авлодга мансуб кариндошлари хам шу ерДа яшашади. Нима учун шу туманни Султон Сегизбоев тумани ёки Султонобод деб номлаш мумкин эмас?
1948 йилда ва 50-йилларнинг бошида Ўзбекистоннинг адабиёт ва санъат арбобларидан 20 нафардан ортиги — X. Сулаймон, М. Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Саид Ахмад ва бошкалар камалиб, 15—25 йилга хукм килиндилар ва Сибирдаги лагерларга жўнатилдилар. Бундай мисоллар кўп.
1953 йил 23 декабрда Берия билан бирга унинг ўринбосарлари, бошкарма бошликлари, НКВДнинг жумхуриятлар ва вилоятлардаги органлари рахбарлари хам олий жазога хукм килиндилар. Булар орасида Бериянинг якин одами бўлган, Ўзбекистонда ички ишлар органларини бошкарган Апросиян, Гоглидзе сингари шахслар брр эди. Мана шу кишилар беш ой давом этган тергов пайтида гуврхлик бериб, Ўзбекистондаги барча кама-кама ва хукмларни олдиндан Марказий Кўмита биринчи котибига маълум килганмиз ва унинг розилигини олганмиз, дейишди.
Озарбойжон Давлат хавфсизлиги вазирлиги рахбарлари хам шундай гувохлик беришди. Текширишда бу маълумот тасдикланди ва Озарбойжон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби, ВКП(б) МК Президиуми (Сиёсий бюроси) аъзолигига номзод Багиров олий жазога хукм килинди.
У. Юсупов хакида берилган гувохликка келганда, КПСС МКда у билан танишиб чикишгач, ишни мухокама килиш ва айбдорни партиявий ва давлат жавобгарлигига тортиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси ихтиёрига юборишга карор килишди.
Иш ва хат билан факат А. Э. Ниёзов ва Р. Е. Мельников танишдилар ва шу захоти пакетни кайтариб юбордилар. Улар иккиси бизни — бюро аъзоларини Марказкўмга таклиф килишиб, материалларнинг мазмунини гапириб беришди. Марказий Кўмита бюросининг ёпик мажлиси ўтказиладиган кун тўгрисида келишиб олдик.
Белгиланган муддатда бюро аъзолари тўпланишди. Хонага Усмон Юсупов кириб келди (мухокама ёпик ва стенограммасиз бўлди). А. Э. Ниёзов ахборот берди. Амин Эрматович сўзининг охирида, У. Юсупов партия ва дазлат масъулиятига тортиш учун лойикдир, деди. Кимдир, бу масъулиятни кандай тушунса бўлади> деб сўради. А. Э. Ниёзов гап тополмай колди. Р. Мельников: «Бундай ишлар учун партиядан ўчириб, судга берадилар», деди.
У. Юсуповга сўз беришди. Унинг шу пайтдаги ахволини кўрган одам ачинарди. Боши ва жагини катта рўмол билан боглаб олган — тиши огриб, лунжи шишиб кетган, кўзлари кип-кизил, пешонасидан тер окиб турарди. У кийналиб, лекин мантикли гапирди. Гап нима хакда боришини кимдандир эшитганлиги, тайёргарлик кўрганлиги сезилиб турарди. У. Юсупов мардлик кўрсатди — материалларни олиб келишганида, танишиб, орган сўровларига розилик берганлигини тан олди.
— Бу менинг кўпол хатоим,— деди у.— Лекин хеч бир карши чора кўра олмадим. Эътироз билдирсам жиноятчиларга шерик ёки уларни химоя килаяпти, деб ўйлашлари мумкин эди, чунки материаллар ишонарли, аник фактлар асосида тайёрланган эди.

Вазият шундай эдики, бош тортгудай бўлсам, менинг ўзимни хам камаб юборишлари хеч гап эмасди. Менинг холатимни хисобга олишларингни каттик илтимос кила-ман, исталган ишга юборинглар, ишончларингни оклайман.
Биринчи бўлиб Ш. Рашидов гапириб, У. Юсуповни каттик танкид килди. Уни кўркоклйкда айблаб, ўз жонингизни ўйлаб, шунча кишиларнинг умрига завол бўлгансиз, азоб-укубатга махкум килгансиз, деди. У. Юсуповни каттик жазолашни талаб килди. Бу фикрни Р. Е. Мельников хам кўллаб-кувватлади.
Шундан кейин мен сўз олдим.
— Бизда юз берган ишлар хакида нафакат гапириш, балки тинглашнинг ўзи огир,— дедим мен.— Жумхуриятда рахбар кадрларга, оддий фукаролар — эркаклар, аёллар, болалар, кексаларга нисбатан зўравонликлар, улар такдирини хал этаётганда конунчиликни оёк-ости килиш холлари хусусида исталганча мисол келтириш мумкин. Бу хол, ўрток Юсупов, факат сизга эмас, балки бутун жумхурият партия ташкилоти учун догдир. Сиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби, КПСС Марказий Кўмитасининг аъзоси, СССР Олий Кенгашининг депутати сифатида хамма ишга бир колипда ёндошиб, розилик бериб юбoравермасдан, хар бирини диккат билан, хар томонлама ўрганишингиз керак эди. Бу ишларни бюрода, баъзи масала-ларни эса МК пленумида мухокама килиш мумкин эди. Сиз бундай килмагансиз. Биз хозир сизнинг кай даражада айбдор эканлигингиз хакида гапираяпмиз. Аслида, бу хакда катагонга учраган хар бир оила, бутун халк хам гапиради. Биз-ку, бу ерда карор кабул килиш билан кифояланамиз, лекин одамлар ножўя ишни бир умр унутишмайди.
— Аммо ўрток Юсуповдек давлат арбобларининг хулки ва хаттй-харакатларини мухокама килганда, — деб давом этдим мен, — фаолиятига чор тарафлама карамасдан, шубхасиз хизматларига эътибор бермасдан, факат мухокама этилаётган масала асосида бахолай олмайм^из. Бунинг устига ўрток Ниёзовнинг ахборотидан ва ўрток Юсуповнинг ўз сўзидан кўриниб турибдики, бирон-бир киши унинг ташаббуси билан ёки тўгридан-тўгри берган кўрсатмаси асосида катагон килинганлигини исботловчи фактлар йўк. Шу муносаба.т билан мен ў йўл кўйган хатоларни каттик эътиборга олишни, лекин унинг таржимаи холини, шунингдек айбларига самимий икрор бўлаётганлигини хисобга олиб, уни каттик огохлантириб, мухокама билан кифояланишни ва Усмон Юсуповни бекор кўймасдан ўзига яраша иш беришни, айбларини мехнати билан ювиши учун имконият яратишни максадга мувофик,деб биламан.
Генерал И. Е. Петров менинг таклифимни кўллаб-кувватлаб гапирди. М. Мирзаахмедов, В. А. Билбас хам шундай килишди.
Таклифни овозга кўйиш асосида каттик огохлантириш билан кифояланишга келишилди. Усмон Юсуповнинг илтимосини ахборот учун кабул килиб, С, Камолов ва менга уни ишга тайинлашни топширишди. Эртаси куни Усмон акага машина юбордик. У ўзига нисбатан инсонпарварларча муносабатда бўлганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси бюроси аъзоларига ва КПСС МК Президиумига миннатдорчилигини етказишимизни илтимос килди. Совхозлар вазири ўрток Бурхоновни ва Мирзачўлни ўзлаштириш Бош бошкармаси бошлиги ўринбосари ўрток Айтматовни (бошлик Саркисов йўк эди) чакирдик. Айтматов 4-«Боёвут» давлат хўжалигининг директори йўклигини айтди. Усмон ака ўша жойга боришга рози бўлди. Вазирнинг буйруги билан уни мазкур хўжалик директори этиб тайинладик.
Энди бир-икки огиз сўз 40-йилларда ва 50-йилларнинг бошида катагон килинган ёзувчилар ва олимлар тўгрисида. Мен 40-йилларнинг биринчи ярмида фронтда,

бўлганбунинг устига, шу пайтгача мамлакат партия ва хукумат рахбарлари ўлкамизда кам бўлишган,— дедим мен.— Шубхам йўкки, Тожикистон ва Ўзбекистон ахолиси Сизни самимий, сидкидилдан кутиб олган, афсуски, иштирок этиш имконига эга бўлмадим. Тожик пахтакорлари юкори хосил олишаяпти, уларни хар канча мактаса арзийди. Ўзбекистонда хам пахта ишлаб чикаришни кўпайтиришни истамайдиган одам йўк. Хаммамиз мана шу ўй-хаёл билан яшаб, мехнат килаяпмиз.
Шубха йўкки, фан, техника ютукларини, илгор тажрибани кенг жорий этиш пахтачилмкни юксалтиришнинг асосий йўлидир.
Агротехниканинг янги усули — квадрат уялаб. экиш ва майдонларга икки томонлама ишлов беришни Наманган туманидаги жамоа хўжалиги хосилоти Тешабой Маллабоев яратган. У 1934—1935 йиллардаёк чигитни квадрат уялаб экйб, майдонларга узунасига ва кўндалангига ишлов берган. Шу сабабли унинг хўжалигига ўша пайтдаёк «Кизил шахматчи» номи берилган. Маллабоевни кейин жумхурият кишлок хўжалиги комиссариатининг бош маслахатчиси килиб тайинлашганди. Лекин бир катор сабаблар, жумладан, айникса уруш йиллари техника йўклиги, ишчи кучй етишмаслиги ва етарли эътибор бўлмаганлиги окибатида, ушбу тажриба оммалашмай колди.
Агротехниканинг янги усуллари индустриал асосга таяниши керак. Мёнимча, биринчи навбатда мослаштирилган тракторлар, шатакли машиналар ва механизмлар бўлиши хал килувчи омил саналади. Сўнгги йилларда бу масалалар билан жиддий шугуллландик ва чигит экиш, гўзага ишлов бериш, пахта хосилини йигиб-териб олиш учун зарур бўлган машина ва механизмлар яратиляпти. Уларни тинмай такомиллаштирйш ва ишлаб чикаришни кўпайтириш ахволни яхшилаш имконини беради.
Кейин сўзимни давом эттириб, шундай дедим:
— Усмон Юсуповга келганда, билмадим, бизнинг ўртокларимиз нима деиишди экан, лекин у узок вакт огир шароитларда йшлади. Камчилик ва нуксонлар хар бир рдамда бўлиши мумкин. Биз Усмон Юсуповни садокатли коммунист, халол ватанпарвар, мамлакатга айникса Улуг Ватан уруши Даврида улкан хизматлар килган, жумхўрйят иктисодиёти ва маданиятининг ривожланишига катта хисса кўшган инсон сифатида биламиз. У ўлканинг ўзига хос томонларини чукур билади, халк билан якин алока ўрнатган, катта обрўга эга. Пахтачиликнинг айрим масалаларида колокликка йўл кўйганлигимиз учун биз хаммамиз маСъулмиз.
Охирида шундай дедим: «Сизнинг иштирокингйзда ишнинг ахволи хар тбмонлама Мухокама килинганлиги пахтачиликни ривожлантиришга ёрдам беради».
Унга тайёра учишга шай эканлигини маълум килишди. Тайёра зинаси томон бораётиб Хрушчев мени чакирди Ва деди: «Пахтачиликда маъмуриятчиликка ва андозачиликка берилиш мумкин эМаслигини тушунаман. Лекин мен Юсуповни хаммадан кўп биламан. Тошкентда нутким матнини колдирдим, у ерда кенгаш хакида хисоббт тайёрлашаяпти. Эълон килингўнга кадар кўрйб чикинг, эътирозингиз бўлса, кўнгирок килинг».
Хрушчев ўтирган тайёра Москвага йўл олди. Биз козок ўртоклар билан кйлиб, бўлиб ўтган сухбат хакидаги таасСуротларимизни ўртоклашдик. Н. С. Хрушчев пахтачиликнинг анча мураккаб томонлари хакида, гўё у шу соха билан бутун умр шугулланган одамдай катъий гапирди. Тожикистон ва Ўзбекистонда биринчи марта, шунда хам атиги икки кундан бўлиб, бу халкларнинг тарихи, анъаналари, характери, ишлаб чикариш кўникмаларини дурустрок билмай. туриб, шундай фикр юритди.
^ Иккита ёки учта майдондаги гўзанинг холати билан танишиш, эхтимолки, шаркона одатга биноан мехмоннинг иззатини саклаб, унинг кайфиятига бўла -сўзларини

маъкула-маъкул килган айрим махаллий ходимларнинг фикрига таяниб, кўп асрлар МобайниДа шаклланган дехкончилик усулига чек кўйишни таклиф этиш, битта кенгаш ўтказиш ванутк сўзлаш билан пахта етиштириш 0,5 миллион тоннага кўпаядИ, деб ўйлаш нокамтарликдир.
Кёйин маълум бўлишича, мен янглишган эканман. Унинг «мен Юсуповни хамма дан яхши биламан», деган гапига дуруст ахамият бермабман. Н. С. Хрушчев ва У. Юсупов ўз жумхуриятларига бошчилик килган пайтларда дўст эдилар. Хар гал Москвага кёлганларида учрашишарди, бир-бириникида мехмонда бўлишарди, Тошкент — Киев ўртасида телефон оркали сухбатлаШиб хам туришарДи.
Улар ўртасига совукчилик биринчи марта 1947 йилда тушди. Шу йилнинг 21 — 26 февраль кунлари ВКП(б) МК Пленуми бўлиб, унда «Урушдан кейинги даврда кишлок хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўгрисида»ги масала мухокама килинди. А. А. Андреев маъруза килди ва олти кун мобайнида кйшлок хўжалигидаги огир ахвол ва унинг тараккиётини жадаллаштириш йўллари хар томонлама мухокама килинди. Пленум якуни бўйича ун бўлим ва 157 банддан иббрат кенгайтирилган карор кабул килинди; Бу хужжат аслида кишлрк хўжалигини жамоалаштиришдан кейинги энг катта вокеа эди.
Маърузадан сўнг биринчи бўлиб Н. С. Хрушчев нутк сўзлади. Пленумга И. В. Сталин рахбарлик килаётганди. У Хрушчевнинг нуткини кескин лукмалар билан тез-тез бўлиб ташлаб, ишидан коникмаётганлигини, бу мамлакатнинг энг бой жумхуриятлари дан бўлган Украина кишлок хўжалигида, айникса дон, кант, чорва махсулотлари ишлаб чикаришда судралишга сабаб бўлаётганлигини аник ифодалади.
Ундан кейин иккинчи бўлиб Усмон Юсупов гапирди. У Ўзбекистонда пахтачилик ва кишлок хўжалигининг бошка тармоклари тараккиёти тўгрисида кискача гапириб ўтгач, Хрушчевни танкид килиб, Украина кишлок хўжалиги колоклиги учун у шахсан масъулиятли эканлигини таъкидлади. Шундан кейин, Ўзбекистон Украинага мутахассислар, трактррлар, юк автомобиллари, от-улов ва бошкалардан ёрдам кўрсатишга тайёр, деди.
Бу гап Сталинга маъкул келиб, Юсуповни мактади ва Хрушчевни яна койиди.
Иккинчи ўзаро хафагарчилик 1952 йилда содир бўлди. Юкорида Иттифок хукумати пахтачилик вазирлигининг таклифи билан РСФСР, Украина ва Молдавия ССРнинг жанубий вилоятларида пахта экиш тўгрисида карор кабул килганлиги хакида гапириб ўтдик. Хрушчев бу ишнинг якунини Сталинга маълум килиб, кўпгина жамоа ва давлат хўжаликлари вайрон бўлганлиги, ерларнинг унумдорлиги пасайиб кетганлиги, асрлар мобайнида етиштирилган юксак хосилли дон ва техник экинларни ишлаб чикариш кескин камайганлиги, дехконларнинг моддий фаровонлиги ёмонлашганлиги ва бошка хунук окибатлари хакида гапирган. Шундан кейин Сталин ўзининг илгариги карорини бекор килиб, бў зоналарда пахта экишни такиклади ва пахтачилик вазирлигига каттик танбех берди.
У. Юсуповнинг Ўзбекистонга нисбатан хатти-харакатларидан И. В. Сталин норози бўлиши, бунинг учун Маленков ва Берия хам гап эшитганлиги, биринчи навбатда, Алексей Николаевич Косигин билан богликдир. У 1951 йил 3 ноябрда Тошкентга келди. У пайтда «Ил-14» совет авиациясининг энг яхши тайёраси эди. У тонг сахарда шу тайёрада Москвадан учиб, кечки пайт шахримизга етиб келди.
Дам олишни истамай, тўгри Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасига боришни таклиф килди. Москва билан Тошкент вакти ўртасидаги фарк — 3 соат, биринчи котиб хонасида йигилганимизда кечаси бўлганди.

Косигин келган захотиёк хеч бир маросимсиз, расмиятчиликсиз, протоколсиз кўлига калам олиб, ишнинг ахволини, колоклик сабабини ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни тахлил кила бошлади. Биз билан бирга хисоб-китоблар чикаришда, уларни бажариш бўйича топшириклар ва тадбирлар белгилашда катнашди.
Хукумат чорбогига келганимизда тонг отди. У бир пиёла чой ичиб, ухлагани кириб кетди. Биз А. Э. Ниёзов билан бошка хрнадан вилоят партия кўмиталарининг биринчи котибларига кўнгирок килиб, уларни 5 ноябрга белгиланган Марказий Кўмита бюросига вилоят ижроия кўмитаси раислари билан бирга келишни таклиф кила бошладик.
4 ноябрь куни соат 12.00 да, енгил нонушта килгач, Алексей Николаевич, А. Э. Ниёзов ва мен туманларга чикиб кетДик. Тршкентга эса кечаси соат 3 да кайтдик.
5 ноябрь соат 10.00 да Марказий Кўмита бюро мажлиси бошланДи. А. Э. Ниёзовнинг ахборотидан сўнг вилоят рахбарларига пахта териш ва топширишнйнг бориши тўгрисида гапиришни таклиф килдик. Наманган вилояти кўрсаткичлари нисбатан бироз каноатланарли эди. Афтидан шунинг учун бўлса керак, шу вилоятнинг биринчи котиби ўрток Х. Ж. Жўраев биринчи бўлиб сўзлашга карор килди. У сўзининг «бисмиллоси»ни ўша давр рухида пахтанинг ахамияти хакида ваз айтишдан, И. В. Сталин сўзларидан цитаталар келтиришдан, вилоятда вужудга келган маънавий-сиёсий кўтаринкиликни таъкидлашдан бошлади.
Алексей Николаевич унинг сўзини бўлиб, «осмон»дан ерга тушириб кўйди ва йигим-теримда транспорт воситаларидан, канор-коплардан, сушилкалардан, ёкилгидан фойдаланишнинг ахволи, шунингдек одамларнинг далага чикиши, мехнат унумдррлиги, пахта пунктларининг иш графиги сингари кундалик энг оддий нарсалар билан боглик аник саволларни бера бошлади. Бечора Хасан Жўраевич эса гап тополмай колиб, кизариб, терлаб кетди.
Алексей Николаевич саволларига коникарли жавоб олмагач, унга жиддий танбех берди ва ўтиришни буюрди. Бу ходиса факат Жўраевга эмас, балки мажлисда иштирок этаётганларнинг барчаси учун жиддий сабок бўлди, мухокамага дархол ишчанлик ва изчиллик рухини бахш этди.
Хар бир вилоят бўйича ишни тахлил килиш ва пахта териб, топшириш графигини туздик. Алексей Николаевич пахта тайёрлашни жадаллаштириш учун зарур бўлган нарсаларни сўраб, ёзиб олди. Йигилиш охирида кискача нутк сўзлади, ундан мамлакат рахбарлари етиштирилган барча хосилни йигиб-териб олишга нихоятда зўр ахамият бераётганлиги маълум бўлди.
Мажлис давомида кимдир мёхнаткашларнинг 7 ноябрь намойишини ўтказмасликни, хамма далада бўлишини таклиф килди. Алексей Николаевич рози бўлмади. Байрамни муносиб нишонлашни тавсия килди. Лекин намойиш 1 2.00 да тугаб, хамма далага пахта териМига чикишига келишилди. Ленин майдонидаги минбарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси бюро аъзолари билан бирга Алексей Николаевич хам турди ва мехнаткашларни табриклади.
Намойишдан сўнг унинг таклифи билан биз хам пахтазорга кетдик. Бирок Чиноз туманига бораётганимизда, намойишдан кейин далага кетган киши бўлиб, аслида йўл бўйларида тўдаланиб ўтириб олиб, байрамни давом эттираётган кишиларнинг бир неча гурухини кўрганимизда, биз билан бирга брраётган Тошкент вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби Н. Махмудов, Тошкент шахар партия кўмитасининг биринчи коти-би Ф. Хўжаев Алексей Никрлаевичдан эшитадиганларини эшитишди. Айникса, ажрик устида ўтирганлар орасидан давангирдай бир йигит кўлида катта киррали стакан билан

ўрнидан туриб: «Алексей Николаевич, байрам билан табр иклайман! Сизнинг соглигингиз учун, пахта режамиз юз бўлиши учун!» деганида хамманинг таби тиррик бўлди.
Эртаси куни биз Косигин билан Андижон вилоятига учиб бордик ва аэропортдан обкомнинг биринчи котиби М. 3. Мирзаахмедов билан бирга тўгри Избрскан туманига жўнаб кетдик. У ерда резина этик, плашч кийиб олиб, ёмгир остида далаларни кўздан кечирдик. Кайфиятимиз ёмон, хамма оч эди.
Ленин номидаги жамоа хўжалиги раиси ўрток Пиримбеков бизни бир пиёла чойга таклиф килди, Алексей Николаевич эса хохламади. Шундан мен ховлидан сатиллар ва яна кандайдир тугунларни олиб чикиб, машинамизга ортишаётганларига эътибор бердим. Бориб, булар нима, деб сўрадим. Раис жахли чикканини сездириб шундай деди:
— Биз бу таомларнинг хаммасини Москвадан хўжалигимизга биринчи марта келган азиз мехмон учун тайёрлагандик. Хамон сизлар биз билан бир неча минут ўтириш-ни истамас экансйзлар, хаммасини олиб кетинглар.
Мен Алексей Николаевичга раиснинг гапини ва тайёр овкатни ташлаб кетиш ўзбекларда хунук иш хисобланишини айтдим. У дархол раис олдига келиб, таклиф учун миннатдорчилик билдирди ва барча билан унинг уйига кирди.
Тайёрланган шўрва ва паловни иштаха билан едик. Алексей Николаевич дастурхон устида кувнок вазият яратди, хамма билан — ошпаз, коровул ва бошка колхозчиларгача кўл бериб хайрлашди.
У Москвага 10 ноябрда учиб кетди. Лекин кутилмаганда, 15 кундан кейин, яъни 26 ноябрда яна Тошкентга келди.
Бу гал у иссик кийиниб олган эди, тўгри чорбокка олиб боришни илтимос килди. Бетоблиги, харорати юкорилиги шундоккина кўриниб турарди. У билан нон-чой килганимиздан кейин, А. Э. Ниёзов иккимиз кётдик. Алексей Николаевич ўша захоти ётди. Эртаси куни хам ишлай олмади. Шифокорлар юришни катъиян такиклаб, тўшакда кимирламай ётишни буюришди. Шунга карамасдан кейинги кунлари унинг талаби билан якин атрофдаги жамоа ва давлат хўжаликларида, бир нечта туманларда бўлдик. Унингахволи эса яхшиланмаётган эди. Грипп жиддий асорат бериши хавфи пайдо бўла бошлади. СССР Согликни саклаш вазирлиги 4-бошкармасидан шифокорлар келишиб, уни Москвага олиб кетишди.
Сталин бундан хабардор бўлиб, унинг квартирасига кўнгирок килибди, соглигини сўрабди ва: «Касал холингизда яна Ўзбекистонга учиб бориш нима учун зарур бўлиб колди?» дебди.
Маълум бўлишича, У. Юсупрв 25 нрябрда Бериянинг олдига кириб, Ўзбекистонда хосилнинг анча кисми нобуд бўлиши мумкин, наинки жумхурият рахбарлари ишни эплашолмаяпти, одамлар йигим-теримга тўла жалб этилмаган, шунинг учун А. Н. Косигин яна Ўзбекистонга борса яхши бўларди, деган экан.
Берия ўша захрти Маленковга кўнгирок килиб, ёнида Юсупов ўтирганлигини, у нима деганини айтибди ва Косигин яна Ўзбекистонга борса яхши бўларди, дебди. Маленков эса Косигиннинг квартирасига кўнгирок килиб, Тошкентга боришни тавсия этибди. Алексей Николаевич рози бўлибди. Дархрл махсус тайёра буюриб, эртаси эрталаб Тошкентга учиб келибди.
Сталин бу вокеадан хабардор бўлгач, Берия ва Маленковни койибди.
Бу кишилар хукумат карори билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси биринчи котиби А. Э. Ниёзовга хайфсан эълон килганларидан кейин хам анча хижолат бўлиб

колишди. Наинки бу партия МК ва хукуматнинг белгиланган макомига зид эди: хукумат ўз карори билан рахбар партия ходимини жазолаш хукукига эга эмас (бу худди Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши у ёки бу вилоят партия кўмитаси биринчи котибини жазолагандай гап).
Нихоят, Алексей Николаевич, Тошкентда биринчи марта бўлганида, Ўзбекистонда бутун ахоли ялпи пахта йигим-теримига жалб этилганлиги тўгрисида Маленков ва Берияга ахборот бериб турди. Пахта ва кўракни йигиш, тозалаш ва куритиш бўйича ишлар барча жойда жадал суръатлар билан кетаётган эди. Партия ва совет ташкилотлари ишга билиб рахбарлик килишаяпти ва бутун хосилни йигиб-териб олиш учун барча чора-тадбирларни кўришаяпти. Факат уларга озик-овкат, коп-канор, ёкилгидан дархол ёрдам бериш керак, деган.
Лекин Маленков ва Берия бу гаплардан Сталинни хабардор килишмади. Натижада 20 кун мобайнида СССР Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон бўйича кескин ёзилган ва рахбарлар жазоланган учта карори чикдики, фикримча бунинг учун асос йўк эди. Карорлар ишнинг боришига дуруст таъсир кўрсатолмади. Бу Сталиннинг норозилигини тугдирди.
Шундай килиб, Ўзбекистонда пахтани йигиб-териб олиш ва тайёрлаш ўша кунларда ВКП(б) МК ва СССР Вазирлар Кенгашининг диккат марказида бўлди ва юкори доираларда маълум асаббузарликларни юзага келтирди.
Хрушчевга кайтиб шуни айтиш керакки, у 1953 йилнинг охирида Ўрта Осиёга факатгина пахтани тор эгатларга квадрат уялаб экишни таргиб килиш учунгина келгани йўк, унинг бошка янада жиддийрок максадлари бор эди. Наинки Ўрта Осиё ўзига хос томонлари ва мураккабликлари бўлган алохида, мухим минтака эди, у бу ерда шахсан бўлишга карор килди, ўшанда унинг юртимизга биринчи келиши эди.
Аввал у Душанбега учиб борди. Фаоллар ва ахоли билан учрашиб, бу ерда рахбарларни янгилаш керак, деган фикрга келди. Чиндан хам, орадан бироз вакт ўтгач, Б. Гафуров Тожикистон Компартияси МК биринчи котиби вазифасидан озод килинди. Москвадаги СССР Фанлар академияси шаркшунослик институтининг директори этиб тайинланди.
Никита Сергеевич Тожикистондан Тошкентга катта режалар билан келди — у жумхурият билан хар томонлама танишишни, биринчи навбатда кадрларни назардан ўтказишни ўйлади. Шу жумладан, ходимларнинг Юсуповга муносабатини билмокчи бўлди.
Тошкентга келгунга кадар, у сўзсиз, Бериянинг шериклари берган гувохликларни ўкиган. Хамрокул Турсункулов раислик килаётган жамоа хўжалигида ва Тошкентдаги жумхурият фаоллари йигилишида рахбар ходимларнинг ўзи Усмон Юсуповни танкид килиб, уни пахтачиликни механизациялаштиришга каршилик кўрсатаётганликда, илгор ишлар йўлида гов бўлаётганликда ва бошка гунохларда айблаганликлари, унда Ўзбекистон рахбарлари бў гувохликларни караб чикишлари ва У. Юсуповни партия ва давлат масъулиятига тортишлари мумкин, деган фикр шаклланишига асос бўлди. Шу сабабли Хрушчев Москвага кайтгач, мазкур хужжат танишиш ва караб чикиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмйтаси рахбарларига юборилди. Лекин мен шунга аминманки, биз — Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси бюросининг кўпчилик аъзолари Усмон акани партияда саклаб колиб, жазоламай ва унга янги иш бериб тўгри килдик.
1955—56 йилларда Усмон ака директорлик килган 4-«Боёвут» давлат хўжалигида бир неча марта бўлганман. Бу Мирзачўлнинг кок ўртасида жойлашган, бунинг устига ўша пайтдаги энг колок хўжаликлардан саналарди, ерларини шўр босиб кетганди. Дуруст

йўли хам, бинолари хам йўк эди. Лекин шунда мени хайратлантирган нарса Усмон аканинг боши билан ишга шўнгиб кетгани бўлган. У ўз режалари хакида шундай берилиб гапирган эдики, хўжаликни бир неча йил мобайнида энг илгор, замонавий хўжаликка айлантириш истаги билан ёнаётганлиги шундоккина билиниб турарди.
Партия Марказий Кўмитасининг декабрь (1957 й.) Пленумида мен КПСС МК Президиуми (Сиёсий бюроси) аъзоси ва КПСС МК котиби этиб сайландим. Москвага жўнаб кетишим олдидан дўстларим ва хамкасбларим рафикалари билан дала ховлимизда тўпланадиган бўлишди. Кундузи олдимга Усмон ака келди. Уч соатча гурунглашдик. У хаётининг баъзибир, хаммага хам маълум бўлмаган томонларини гапириб берди. Кейин Москвада кандай ишлаганлиги, у ернинг шарт-шароити, иш услуб ва методлари хакида хикоя килдилар. Ўзи илгари йўл кўйган хато ва нуксонларни айтиб, буни хисобга олишимни маслахат бердилар. Шунда унинг Москвада яхши ишлаб кетишимни астойдил истаётганлиги, самимияти менда катта таассурот колдирди.
Унинг уйига бориб, Юлия Леонидовнани олдик ва учовлашиб дўстларимиз йигилган дала ховлига келдик. Шунда у хам бошкалар катори таъсирли сўзлар айтиб кадах кўтарди.
1958 йилнинг ёзида К. Е. Ворошилов бошлик СССР делегацияси Зохир шохнинг таклифига биноан Афгонистонга борди. Бу делегация аъзолари орасида мен хам бор эдим. Шунда мен Афгонистон томони билан музокаралар ва расмий учрашувлар тугаганидан сўнг, Климент Ефремовичнинг ижозати билан, Афгонистон вазири хамрохлигида мамлакатни айланиб, Бобурнинг Кобулдаги, Берунийнинг Газнадаги ва Навоийнинг Хиротдаги кабри ва макбараларини зиёрат килдим.
Афгонистон сафари тугагандан кейин делегация Тошкентга келди. Бу ерда Ўзбекистон рахбарларининг таклифи билан К. Е. Ворошилов иккимиз икки кунга колдик, делегациянинг бошка аъзолари Москвага учиб кетишди. Эртаси куни олдимизга Мирзачўлдан Усмон Юсупов келди. Шунда Клемент Ефремович билан Усмон аканинг кучоклашиб кўришишлари жуда хаяжонли бўлди. У Мирзачўлнинг меваси, ковун-тарвузидан, иккита тўн ва дўппи олиб келибди. Уларни Клемент Ефремовичга ва менга кийгиздилар. Эски кадрдонлар узок сухбатлашиб, бўлиб ўтган вокеаларни эслашди. У бизни хўжалигига таклиф этди. Лекин бизда бунинг учун имконият бўлмади. Аэропортда самимий хайрлашдик.
1958 йилнинг охирида менинг Москвадаги квартирамга бир киши телефон килиб, 4-«Боёвут» давлат хўжалиги ишчиси эканлигини, хўжалик директори Усмон Юсу-пов каттик касал бўлиб колганлигини, кариндошлари уни олиб кетганлигини ва хозир Тошкентдаги уйида ётганлигини айтди. Мен ўша захоти С. К. Камоловга кўнгирок кил-дим, у йўк экан. М. З. Мирзаахмедовни хам топаолмадим. Жумхурият согликни саклаш вазири Рауф Соатов билан богландим ва врачларни олиб, дархол ўрток Юсуповнинг уйига боришни ва у ердан менга кўнгирок килишни буюрдим.

Кечкурун у телефон оркали Усмон Юсупов жиддий касал эканлигини, унда гипертоник кризис рўй берганлиги — кон босими 150—210 га етиб, диабет кучайганлиги, ўпкаси шамоллаганлиги, томир уруши 120, харорати 39-]- эканлигини айтди. Рафикаси Юлия Леонидовна хам огриб колибди.
Соатовдан телефонни ётокхонага олиб кириб, Мёни ўрток Юсупов билан боглашни сўрадим. Усмон Юсупович менинг саломимга алик олиб, саволларимга жавоб бераркан, кийналиб, охиста, узук-юлук гапирарди. Унга Юлия Леонидовна билан бирга Кремлнинг Марказий шафохонасига даволаниш учун келишни таклиф килдим. Усмон ака титраган

овоз билан ташаккур билдирдилар.
Тошкент билан гаплашиб бўлгач, СССР Согликни саклаш ваЗирлиги 4-бош бошкармаси бошлиги, профессор А. М. Марков билан богланиб, Усмон Юсупов ва унинг рафикасй огир бетоблигини айтдим ва Кремлнинг Марказий шифохонасида улар учун хона ажратишни, Соатов билан алока килиб туришни тавсия этдим.
Яна Тошкентга кўнгирок килиб, жумхурият Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи'ўринбосари Р. Г. Гуломовни квартирасидан топдим (Марказий кўмита бюросининг барча аъзолари пахта йигим-терим муносабати билан жойларда юришган эди). Ўрток Юсупов хакида сўз бошлаганимда, у: «Усмон Юсуповичга ёрдам беришга харакат килаяпман, лекин жумхурият рахбарлари у кишини стационарга жойлаштириш тўгрисидаги таклифимни рад этишди»— деди.
Унга мен кўнгирок килганлигимни Камолов ва Мирзаахмедовга маълум килишни, Усмон аканинг соглигини тиклаш учун хамма чораларни кўришни ва дастлабки имконият тугилиши биланок шифокор ва оилалари хамрохлигида халкаро вагонда Москвага юборишни айтдим, келадиган вакти, поезд хамда вагон номерини олдиндан менга маълум килишни сўрадим.
Усмон Юсупов ва Юлия Леонидовна Москвага келишди. Козон вокзалида уларни КПСС Марказий Кўмитаси Ишлар бошкармаси ва 4- Бош бошкарма ходимлари, шифокорлар кутиб олишди. «Тез ёрдам» машинасида вагондан тўгри Кремлнинг Марказий шифохонасига олиб боришди. Уларни кўргани бордим, учрашув жуда хаяжонли бўлди.
Бир куни Ёдгор Насриддинова олдимга (КПСС МКга) кириб, Усмон Юсуповга 120 сўмлик жумхурият ахамиятидаги нафака белгиланганини айтди. Эртасига Никита Сергеевич ва биз — Марказий Кўмита Президиуминин бир нечта аъзолари биргаликда тушлик килаётганимизда, мен ўрток Юсуповнинг касаллиги хакида гапирдим, унинг шубхасиз хизматлари ва самарали фаолияти тўгрисида батафсил, тўхталдим, унга жумхурият ахамиятидаги нафака ўрнига, иттифок ахамиятидаги шахсий нафака белгиланса фойдали бўлишини таъкидладим ва буни халк маъкуллаб кутиб оларди, деб кўшимча килдим. Хамма кўллаб-кувватлади. Икки кун ўтгач, Усмон Юсуплвга барча имтиёзлари ва кулайликлари билан 330 сўм хажмида шахсий нафака белгилаш тўгрисида СССР Вазирлар Кенгашининг махсус карори чикди.
Ўртрк Юсупов шифрхонада ётганида бир неча марта брриб кўрдим. Миннатдорчилигини мамлакат рахбарларига етказдим. Улар — Усмрн Юсупрв ва Юлия Лернидовна ростмана согайишгач, нафака белгиланганлиги тўгрисидаги карорни олишиб, 2 ойдан сўнг Тошкентга кайтишди.
1961 йилда Усмрн Юсупов янги вазифага ўтиб, Янгийўл туманида майда, иктисодий кам самарали жамра хўжаликлари асосида агросаноат комбинати тузди. Бу кишлок дўжалиги ва саноатни бирлаштирган мамлакатдаги биринчи комбинат эди. У ўзига хос ташаббускорлик билан атрофига фаоллар ва ишчиларни тўплаб, карийб бўм-бўш ва ташландик жойда бог барпо килди. Маълум вакт ўтгач бу комбинат мева, узум, ковунтарвузнинг яхши навлари, бир неча хил мева консервалари ва бошка махсулотлар етказиб берадиган йирик хўжаликка айланди.
Усмон Юсуповнинг ўлими тўгрисидаги медик олимлар О. М. Павлова, Р. А. Каценович, А. Р. Рахимжонов, В. Ю. Шомирзаев имзо чеккан тиббий хулосада 27 апрель эрталаб соат 4 да унинг мия яримшарининг чап томонидаги томирларда кон тикилиб колиши рўй берганлиги айтилган эди.
Орадан кўп ўтмай унинг рафикаси, эрининг ўрнида «Халкобод» комбинатида директор

бўлиб ишлаётган Юлия Леонидовна хам вафот этди.
Усмон ака, уни каёкка юборишмасин, хамма жойда халол, гайрат билан ишлади, кўлидан келган хамма ишни килди. Бирок, унинг кудратли организми такдирнинг бекарорлигини, силкинишларни, кўплаб асаббузарликларни, ўпка, буйрак шикастланиши, уч инфарктни... нихоят охирги зарба — мияга кон куйилишини кўтаролмади...
Агар жумхурият рахбарлари имзо чеккан ва 1966 йил 8 майда матбуотда эълон килинган таъзияномада Усмон Юсупов шаънига айтилган ёкимли сўзлар ва хамду саноларнинг лоакал бир кисми тириклигида амалда ўз ифодасини топганида, эхтимол у анча узок умр кўриши мумкин эди...
Инсоннинг юраги, Мияси ва асаблари баъзида майда-чуйдалар учун, айникса но-пок, игвогар шахсларнинг хатти-харакатлари билан жарохатланиши жуда ачинарли-дир. Усмон Юсупович билан Юлия Леонидовна эса ўз хаётлари мобайнида бундай зарбаларнинг кўпини кўришди.

Юкорида улар 1966 йил 24 апрелда белорус делегациясини кабул килганликлари хакида айтиб ўтдим. Усмон Юсуповичнинг якин кишиларидан бири бу кабулда бошидан охиригача бўлиб, мехмонларни кутишда ёрдам берди.
Эртаси куни шу одам рахбар ташкилотларга маълумот етказиб, Усмон Юсупов мехмонларни кабул килиш, кутиш ва уларга совгалар бериш учун давлат маблагини сарфлаб, комбинатга ва унинг ишчиларига моддий зарар етказаяпти, деган гапни айтади.
Ушбу маълумот олий рахбаргача етказилди ва унинг номидан телефон оркали ўрток Юсуповга танбех берилиб, давлат маблагини талон-тарож килганлигингиз учун жавобгарликка тортиласиз, деб огохлантиришди.
Кейин хакикат аникланди: Усмон Юсуповнинг бутун фаолияти мобайнидаги комбинатдан карзи 91 сўмдан иборат экан, Юлия Леонидовна уни ўша захоти тўлади. Оила барча мехмондорчиликларни ўз хисобидан килган экан, тўнлар, дўппиларни эса ўгил ва кизлари беришган экан.
Бошка бир мисол. Гаразгўйлик — маънавий кашшоклик белгиларидан биридир. Айникса,рахбар бу иллат таъсирига берилса, хеч качон одил ва катъиятли бўлолмайди. Усмон Юсупов 4-«Боёвут» давлат хўжалигида директор бўлиб ишлаганида Боёвут тумани биринчи котиби бўлиб ишлаган А. Сардоров «далаларни ўт босиб кетибди» деган важ билан Усмон Юсуповни партиядан ўчириш масаласини райком бюросига кўйганлигини ўша пайтда шу туманда фаол бўлган ўртокларнинг кўпчилиги яхши билишади ва хали-хали афсусланиб эслаб юришади. Ўшанда масала овозга кўйилганда биринчи котиб ва унинг икки хушомадгўйи бир томон, бюронинг бошка аъзолари бир томон бўлиб кетишган эди. Чунки далани ўт босди дегани, бу хали пахта режаси барбод бўлди, дегани эмасди-да.
Асли гап бошка ёкда эди. Усмон Юсупов Ўзбекистон КП Марказий Кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган пайтларда А. Сардоров Тошкент вилоят Калинин тумани партия кўмитасининг биринчи котиби бўлган, туманда ишни барбод килганлиги учун вазифасидан четлатилган эди. Эндиликда эса «хисоб-китоб килиш» ниятида гаразгўйлик билан У. Юсуповга «тишини кайраётган» эди. Лекин у максадига етолмади. 4-«Боёвут» давлат хўжалиги ўша йили хам пахтадан яхши хосил олди. Аммо хурматли одамнинг асаби какшаганлиги, эзилганлиги колди.
Ўрток Юсупов огир бетоб бўлиб колганида, унинг Тошкентдаги стационарга

жойлаштирилишига эътироз билдирганларга биров рахмат айтганмикан? Еки Усмон аканинг энг сўнгги илтимосини олайлик. Нега бу илтимосни бажариб, уни дўстлари ёнига дафн этиш мумкин эмас эди? Бу менга коронги. Бундай мисоллар эса анчагина.
Мен У. Юсупов вафот этганлигини Болгарияда юрганимда эшитдим. Шу боисдан уни дафн этишда катнашолмадим. Оиласига таъзиянома юбордим, бу махаллий матбуотда эълон килинди.
Усмон Юсуповнинг барча ўгил ва кизлари олий маълумотли бўлишиб, турли ихтисосларни эгаллашди, оталари ва оналарининг анъаналарини давом эттириб, самарали мехнат килишаяпти. Улар билан борди-келдим бор, учрашиб турамиз.
Усмон аканинг Фарход исмли ўгли мен Сурияда элчи бўлиб ишлаганимда элчихонада таржимонлик килган. Бошка бир ўгли — Ўлмас билан эса савдо-саноат палатаси-да бирга ишлашганмиз. Владлен Усмонович — тарих фанлари номзоди, доцент, ТошДУдаги чет эл фукаролари учун тайёрлов факультетининг декани; Фаина Усмоновна — Тошкент вилоят кишлок хўжалик бошкармасининг мутахассиси; Заира Усмоновна— кимё фанлари номзоди, неорганик кимё институтининг илмий котиби.
Маколам сўнггида Усмон ака хотирасига муносабат тўгрисида бир-икки огиз сўз айтмокчиман.
1976 йилда Москвадаги «Молодая гвардия» нашриёти «Ажойиб кишилар хаёти» туркумида Усмон Юсупов тўгрисида 250 бетли китоб чоп этди. Ш- Рашидов бу китобни ўкиб чикиб, муаллифлар Борис Ресков ва Геннадий Седов китобни юзаки ёзишибди, ўлканинг ўзига хос томонларини, халкининг тарихи, тили, маданияти ва анъаналарини билмасликлари сезилиб колибди, деб норозилик билдирган экан. Хакикатда, китобда У. Юсупов хаёти ва фаолиятининг турли боскичлари ва вокеалар бузиб кўрсатилган жойлари бор.
Шунда Шаррф Рашидовичнинг топшириги билан У. Юсупов хакида янги китоб яратишни мўлжаллашди. Шу максадда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиуми котиби А. С. Абдалин олимлар, адабиётчиларни хузурига чакириб, улар билан сухбатлашди ва бу ишда иштирок этишни таклиф килди. Шундан кейин унга мазкур мавзу бўйича бир нечта кимматли материалларни келтириб беришди. Афсуски, бу орада А. С. Абдалин хам вафот этиб, иш тўхтаб колди, материаллар йўколди.
Усмон Юсупов тўгрисида «Хаётнинг маъноси» деб номланган икки серияли фильм яратишди. Сценарий муаллифи бокулик драматург, «Озарфильм» киностудиясининг директори Рамз Фаталиевдир. Фильмда ўлка манзаралари, табиати, толмас дехконлар, мехнаткашларнинг хаёти ва фаолияти ёркин кўрсатилган. Актёрлар, айникса отаси ролини ижро этган Ўлмас иштиёк билан ўйнашган.
Шу билан бирга, фильм камчиликлардан холи эмас. Унда партия фаолиятига, Усмон аканинг ўзига хос бўлмаган тасвирлар бор.
Мана, мисоллар. Ховузда чўмилаётган тўрт эркак. У. Юсупов келаётганлигини кўриб, тезда сувдагн чикишади ва енгил кийиниб, саф тортиб туришади. Юсупов уларнинг хар бири олдига келиб: «Партбилетни чикар» дейди, улар индамай чўнтакларидан партия билетини чикариб беришади. Юсупов уни ёнидаги хамрохига беради. У хаммага шундай килади. Бу бўлмаган вокеа.
Бошка мисол И. В. Сталин ўрток Юсуповга соат совга килиши эпизодини эслайлик. Фильмда тасвирланган ходиса хакикатга тўгри келмайди. Ушбу вокеа бошка вазиятда ва бошка сабаб билан рўй берган.
Фильмда Ўзбекистон давлати бошлиги Йўлдош Охунбобоев ва жумхурият Вазирлар

Кенгаши Раиси Абдужаббор Абдурахмоновни кўриб, киши ўзида нокулайлик хис этади. Улар камситилган, майда эпизодларда ора-сира кўринадиган суст одамлар бўлиб колишган.
Нихоят, Юлия Леонидовна эса кишлоки уй бекасидан жуда кам фарк килади. Аслида эса бу аёл маълумотли, маданиятли, эрига нихоятда вафодор, фарзандларига мехрибон инсон, давлат арбоби бўлган. Фильмда хам у ана шундай акс эттирилиши керак эди.
Аминманки, бизнинг кўплаб талантли ёзувчиларимиз келгусида Усмон ака хакида юксак бадиий савиядаги хакконий асарлар ёзишади.
Усмон Юсупов йўл кўйган хато ва камчиликларига карамайдарихимизнинг энг мураккаб, огир даврида жумхуриятимизни халоллик билан бошкарган, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги учун бор кучи вагайратини сарфлаган, ўзидан ўнлаб шогирдлар колдирган чйнакам улуг инсон эди. Бундай кишиларнинг хаёт йўли эса ўз халки тарихининг бир кисми саналади ва у ёшларимиз учун ибрат бўлиши керак.
Шахсан мен Усмон акага шогирд бўлиш, у билан ёнма-ён ишлашиш бахтига мушарраф бўлганимдан фахрланаман.
Бир гал узок муддат давом этган чет эл командировкасидан кайтгач, Тошкентга келиб, Ўлмас билан Халкободга бордим. Усмон Юсупов оиласи билан яшаган жойдаги уй-музейда бўлиб, экспонатларини кўздан кечирдим. Эсдалик ёзувлари дафтарига эса куйидаги сўзларни битдим: «Ўзбек халкининг муносиб фарзанди, хакикий коммунист, ватанпарвар, катта огамиз ва устозимиз Усмон Юсуповнинг порлок хотираси хамиша ёдимиздадир».

Нуриддин Мухитдинов